

Жим Рон

# УМР

## МАВСУМИ

Ўзини англаш йўлида  
бўлганларга бу китоб  
ўзидан, яшаш тарзидан  
қониқадиган янги ҳаёт  
эшигини очувчи калит  
бўлади.


Ушбу китоб сизга  
бизнесингизда омад  
ва янги чўққиларни  
забт этишда ёрдам  
беради.



Жим Рон

# УМР МАВСУМИ

Ўзини англаш йўлида  
бўлганларга бу китоб  
ўзидан, яшаш тарзидан  
қониқадиган янги ҳаёт  
эшигини очувчи калит  
бўлади.



«Adabiyot uchqunlari»

Тошкент — 2017

УДК: 67.72.(607)  
ББК: 85.120 (Э201)

Умр мавсуми/Тузувчи: Жим Рон — Т.: «Adabiyot uchqunlari»,  
2017 йил, 72 бет.

ISBN 978-9943-987-47-0

*Ҳаётимиз давомида танлашимиз лозим бўлган жуда кўп тўғри ва нотўғри йўللарга дуч келамиз. Бунда атрофимиздаги одамларнинг тутган йўли, фикрларига эътибор қиламиз, суянамиз. Натижада эса муваффақиятга эришиши йўлида биздан анча олдинлаб кетганларга, ишида яхшигина самарага эга бўлганларга, ҳаётда бахт-саодатга эришганларга, толеи кулганларга эргашамиз.*

*Ҳар биримизнинг атрофимизни маълум бир фикр, одат, таомил, фалсафий қараишларга эга бўлган инсонлар жамоаси ўраб туради. Агар ҳаётимизни ҳақиқатда яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлсак, уларга бўлган муносабатимизни доимо яхшилигича сақлаб қолиши мумкин эмас.*

Бош муҳаррир:  
**А.Худойбердиев**  
Таржимон:  
**Соҳиба Азамова**  
Нашрга тайёрловчи:  
**Акмад Нажмидинов**

ISBN 978-9943-987-47-0

© "Adabiyot uchqunlari" нашриёти, 2017

© А. Нажмидинов, 2017

*Бой бўлиш - гуноҳ эмас!  
Нима эксанг - шунини ўрасан!  
Ҳаётдаги ҳамма нарса, ҳаттоки  
бахтсизлик ҳам ўз вазифасига эга.*

## "ҲАЁТ ВА ТИЖОРАТ ЙИЛ ФАСЛАРИГА ЎХШАЙДИ"

Жим Рон фалсафаси миллионлаб одамларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Ўқиб кўринг, сиз ҳам албатта ўзингиз учун фойдали маслаҳат оласиз.

Жим Рон 30 йилдан ортиқ инсонлар шахсий ҳаёти ва ишбилармонлик фаолиятига таъсирини ўтказадиган кишилар феъл-атворидаги асосий сабабларни ўрганди. Жим Ронни ўқитувчи ва асосан бошқаларга ниманидир ўргатмоқчи бўлганлар ўзларига намуна қилиб оладилар. Бугунги кунгача Жим Рон 5000 дан ортиқ маърузалар ўқиди, уни 3 миллиондан ортиқ одам тинглади. У

Жим Рон. Умр мавсуми



Европа, Осиё, Австралия ҳамда Африка қитъаларида учрашув ва семинарлар олиб борди.

У нотиқлар миллий Ассоциацияси аъзоси, шунингдек, 1985 йилда нотиқлик санъатидаги етук мутахассислиги ва буюк хизматлари учун мукофотланган.

Бир қатор корхоналар бошлиғи сифатида мавқеини мустақамлаб олган Жим Рон ҳозирда ўз салоҳиятини Jim Rohn International компаниясининг ривожланишига сарфлаяпти. Бу компания кўп тармоқли корпорация бўлиб, дунё бозорининг ривожланишини, маркетингни ўрганади, шунингдек, савдо-сотикни йўлга қўйиш бўйича семинарлар, ўқув ишларини олиб боради.

Ушбу китоб сизга бизнесингизда омад ва янги чўққиларни забт этишда ёрдам беради.

*Ж.Рон, "Танланган асарлар", 1997 й.*

## "УМР МАВСУМИ" ҲАҚИДА

Бу китобни ҳар ким ҳар хил мақсадда ўқиши мумкин. У табиат қонунлари ва инсоният орасидаги узвий боғлиқликни баён этувчи фалсафий ҳикоядир.

Китобда инсон ҳаёти ва бизнеснинг табиатдаги йил фасллари каби ўзгарувчанлиги ажойиб услуб билан кўрсатилган.

Бу китобни орамиздаги хоҳлаган киши ёзиши мумкин эди. Унда ҳар биримиз ҳақимизда ҳикоя бор. Китобда ғалаба ёки фожеа ҳар бир кишининг ҳаёт тарзига қандай қилиб таъсир кўрсатиши тадқиқ қилинади.

Шубҳасиз, тез кунларда "Умр мавсуми" китоби янгича фикрлар ва қарашлар орқали инсонлар ҳаётининг яхши тарафга ўзгаришига, корхона ва компанияларнинг омад чўққисига эришишига сабаб бўлади. Бу китоб Jim Rohn International компаниясида нашр этилган ва тарқатилган кўплаб китоблардан биридир. Асар илҳомланиб ёзилган бўлиб, ҳақиқатдан ҳаётини яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлганларга дастурул амалдир.

Ўзини англаш йўлида бўлганларга бу китоб ўзидан, яшаш тарзидан қониқадиган янги ҳаёт эшигини очувчи калит бўлади.



### **МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМАН:**

*Отам ва онамга - менга ҳаёт ва бизнес йил фаслларига ўхшашини ўргатганлари учун;*

*Дон Мак Брижга - мен ҳеч қачон унутолмайдиган содиқлиги учун;*

*Р.Рейнолдсга - кишилар бизни эшитиш ва гоёларимизни бўлишишга кўплаб имкониятлар топгани учун;*

*Менга ёрдам берганларга тугилганимдан бошлаб то шу кунгача; катта ва кичикларга, озчилик ёки кўпчилик бўлиб мени тинглаганларга, менинг янги йўл ахтариб сиз билан бўлишимга сабабчи бўлганларга. Ҳар бирингиз мен учун қанчалар қадрли эканингизни билишингиз лозим.*

### **МУҚАДДИМА**

Аждодларимиз Цицерон, Даниэл, Вебстер, Дизраэл, Черчил, Кеннеди каби нотикларнинг нутқи инсоният тарихини ўзгартиргани ва алоҳида шахсларнинг тақдирига таъсир ўтказганининг гувоҳи бўлишган.

Жим Рон шундай иқтидор ва қобилиятга эга бўлган бизнинг замондошимиздир. Унинг руҳлантирувчи семинар ва чиқишлари кўплаб америкалик тингловчиларнинг ҳамда ўн минглаб бошқа одамларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди.

"Умр мавсуми" китоби Жим Роннинг фақатгина баъзи қирраларини очиб беради, холос. Унинг руҳий оламимизга бўлган ижобий таъсири ҳаётимиздаги ўзгариш ва муаммоларимиз ечимига ёрдам беради. Бу китоб биринчиси, умид қиламизки, бундан кейин ҳам унинг давоми нашр юзини кўради.

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида Жим Ром билан бўлган мулоқот натижасида уни дунё таниши лозимлигига амин бўлдим. Унинг ҳаётда мақсад сари интилиши, ўз устида ишлаши, раҳбарлик санъати, бизнесни бошқариши, оилавий ҳаётдаги турмуш шароитини яхшилашга бўлган интилиши беқиёсдир.

Ушбу китоб бадиий ижоднинг намунаси бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Роналд Л.Рейнолдс



## I БОБ

### АМНИДАЖУМ

#### УМР ФАСЛЛАРИ

Инсониятнинг олти минг йиллик тарихи давомида қанчадан-қанча одамлар туғилди, ота-онасидан тарбия олди, кейинчалик устозлари орқали билим ва кўникмаларни эгаллади. Вақт ўтиши билан шахсий ҳаёт тажрибасига эга бўла бошлади. Уларнинг кўпчилиги ўз олдига қўйган улкан мақсад ва катта орзулар билан яшади. Лекин улар ҳаётдан кўз юмиши билан орқаларидан туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ва қабрлари устидаги ёдгорлик тошидан бошқа уларни эслатадиган ҳеч нарса қолмади.

Муваффақиятга эришиш йўллари ҳақида кўпгина китоблар ёзилган, семинарлар ўтказилмоқда, бу йўлда бирор нарсага эришганлар ўз фикрларини тинглашни хоҳлаганлар билан ўртоқлашяптилар.

Кимлардир бойликка дўстларини йўқотиш, оилаларидан жудо бўлиш эвазига эга бўладилар.

Баъзи бирларга бойлик эришиб бўлмайдиган орзуга айланса ҳам, оила улар учун муқаддаслигича қолади.

Кўпчилигимиз одатда икки тоифанинг биридирмиз: бойлик орзусидаги камбағал ёки оддий, чин инсоний бахтни қўмсайдиган бойвачча.

Бу китоб муваффақиятга эришиш ёки тижоратда синмаслик йўлларини ўргатувчи қўлланма эмас. Унда бир неча ўн йиллик тажриба ва кузатишлар жамланган. Китоб ҳаётимиздаги воқеаларга холис назар билан қарашга, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлидаги имкониятларимизни чамалашга ўргатади.

Агар ҳаёт ўзи каби қадимий саволларга жавоб беролганда эди, "Қандай қилиб ютуққа эришиш мумкин?" деган саволнинг жавоби асосий тарихий воқеа бўлиб қоларди. Биз эса аллақачон ўз муваффақиятимиздан завқланиб яшаётган бўлардик. Аслида бир кишининг муваффақиятга эришиш йўлининг сирлари бошқаси учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Сабаби ҳар биримиз Тангри томонидан бетакрор қилиб яратилганмиз. У ҳаётий саволларимизга ҳар биримиз учун алоҳида жавоб тайёрлаб қўйган.

Келинг, шахсий саволларимизга шахсий жавобларимизни қидириб кўрамиз.



## II БОБ

### ҲАЁТИЙ ШАРОИТЛАРГА АТРОФ-МУҲИТИМИЗНИНГ ТАЪСИРИ

Бой ёки камбағал, ёш ёки қари, маълумотимиз олий ёки ўрта бўлишидан қатъий назар, ҳаммамиз дунёга келишимиз билан бизгача бўлган инсонлар ва воқеаларнинг йиғиндиси бизга ўз таъсирини кўрсатади. Биз тўғри деб билган ҳар бир фикр шахсиятимизнинг шаклланишида ўз таъсирини ўтказган. Ҳар бир кўрган филғимиз руҳиятимизда қандайдир изини қолдирган. Ҳар бир ўқиган китоб ёки журналимиз, ойнаи жаҳонда кўрган ҳар бир кўрсатувимиз ҳам бизга, албатта, нимадир беради. Ҳар қандай пучга чиққан умид, ғалаба, гумон, орзу, шунингдек, кимгадир бўлган муҳаббатимиз биз учун изсиз кетмайди. Бизнинг ҳозирги ҳолатимиз ва эга бўлганларимиз - аста-секин орттирган, тўплаганларимиздир.

Инсон ўзининг омадсизлигида кимнидир ёки ниманидир айбашга мойил бўлади. Биз ҳукуматни, рақибларимизни, бошлиқларимизни, инфляцияни, тўлов муддатларини, ҳаттоки транспорт ва об-ҳавони ҳам ҳаётимиздаги баъзи бўлиб турадиган вазиятларга баҳона ёки айбдор қилиб кўрсатамиз.

Қачонлардир бизга таъсирини ўтказган ва ўз изини қолдирган яхши ёки ёмон воқеа-ҳодисалар - улар бари энди ўтмишда қолиб кетди. Гарчи улар яқин кунларда содир бўлган бўлса ҳам, масалан, кеча, биз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги керак, албатта, агар ўзимиз унга эътибор қилмасак. Энг асосийси ким ва нима бугун ҳамда келажақда бизни ўзига жалб эта олишидадир.

Бизнинг қандайлигимиз - ҳаётимизда амалга ошган, қилиб бўлинган ишдир.

Келажақда ким ва қандай бўла олишимиз - айнан мана шу олдимиздаги кенг имкониятларимизга боғлиқ. Шунинг учун ўтмишдаги омадсизликлар, қийинчиликлардан олинган сабоқлар бугунги кундаги имкониятларингиз ва келажақдаги орзуларингизга салбий таъсир этишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмишнинг қиймати ундан келажақда қанчалар донолик билан фойдалана олишимиз билан белгиланади. Бизнинг ўтмишимиз келажагимизнинг янада ёрқин, қувноқ ва бой бўлишига хизмат қилсин.

Қачонлардир ўзининг, албатта, бой бўлишини хоҳлаган ва шунга интилган одам доимо ортга назар солишдан ўзини тийиши, ҳаётининг "орқани кўрсатадиган ойна" сидан воз кечиши лозим. У бутун диққат-эътиборини келажақдаги ишларига қаратиши керак. Ўз омадини излашда аввал бугунги кунда унинг ҳаётига таъсирини кўрсатаётган



шахс ва вазиятларни тубдан қайта кўриб чиқиши даркор. Келажагига уларнинг таъсири қандайлигини аниқлаб олиши шарт.

Баъзан атрофимизни шундай одамлар ўраб оладики, шундай вазиятлар юзага келадики, уларни тезда қандайдир ўзгартирмасак, келажагимиз ҳам ўтмишимиз каби ўзгаришсиз қолиши мумкин. Инсоният ривожланишига, бирор ютуққа эришишида йўқотишлар орқали ҳақ тўлайди. Ҳар бир тараққиёт ўз орқасидан қандайдир йўқотишлар олиб келади ёки қурбонликлар талаб қилади. Ҳар биримиз юксалишнинг бундай салбий жиҳати ва шунга ўхшаш нарсаларга кунда дуч келамиз. Биз бир томондан бу тараққиётнинг салбий жиҳатларини донолик билан фаҳмлашимиз, бошқа тарафдан эса зарур бўлганда ҳам унга эътибор қилмасликка ўрганишимиз лозим.

Ҳеч ким ҳеч қачон ўз хоҳиши билан ўлимга сабаб бўладиган заҳарни ичмайди. Лекин бизнинг шундай дўстларимиз, танишларимиз, қолаверса, бизнесда шерикларимиз борки, уларнинг таъсири ўша заҳардан ўтса - ўтадики, асло қолишмайди. Фақат заҳар дарҳол таъсир қилади, уни ичган одам тўсатдан ўзини орқага ташлайди, тезда заифлашади, сўнгра эса ҳаётни таъминловчи аъзолари ўз вазифасини бажармай қўяди. Бошқа "заҳарлар" инсоннинг орзуларини, самимий ниятларини, файратини сўндиради, ўлдиради. Заҳарлаш усуллари турлича, лекин

натижаси бир хил. Ҳаётини йўқотган одам билан ҳаётдан умидини узган одамнинг фарқи катта эмас!

Ҳар доим ҳам фойдали китобларни ўқийдиганлар устидан куладиганлар топилади. Бироқ бундай китобларни ўқий олмаганлар билан уни ўқишни хоҳламаганлар - деярли бир хил. Иккала ҳолатдаям натижаси нодонлик, билимсизлик бўлади.

Ҳар доим ҳам бизни истеъдодимиздан, қизиққан машғулотларимиздан, интиланган нарсаларимиздан, майл ва ҳавасларимиздан қайтарувчи кишилар топилади. Лекин ҳақиқатда ўзини бахтли ҳис этмоқчи бўлган одам айнан ўзи учун ёқимли, мос ва хос бўлган иш билан шуғулланиши лозим.

Ҳар доим ҳам юксак орзуларни олдига мақсад қилиб қўйган одамларга салбий муносабатда бўладиганлар топилади. Ахир, мақсадсиз натижага, муваффақиятга етишиб бўлмайди. Ният қилинган ютуққа эришилмагач, ҳаёт аввалгидек ўзгаришсиз ҳолда қолади.

Ҳар доим ҳам иши юришаётган инсонларни гийбат қилувчилар топилади. Лекин иши орқага кетаётганларнинг бундан хурсанд бўлишларига сабаб ва асос ҳам йўқ.

Ҳар доим ҳам яхши ҳаёт ҳаракатида бошқаларга озгина эътиборсиз бўлганларни койийдиганлар топилади. Бирор нарсага интилишимизда бизни чеклайдиган ва мақсадга эришиш йўлимизни тўсадиган,



орзуларимизни бўғадиган бу тоифа одамлардан нафратларига қарамай, кўрқмай воз кечиш лозим.

Ҳар доим ҳам ўзидан кўра яхшироқ яшаётганларга душманлик кўзи билан қарайдиганлар топилади. Шунга қарамай, камбағалликда ҳам бахтли, ўзаро муҳаббатда яшаётган оилалар кам эмас.

Одатда, ўз ҳаётини қайтадан бошламоқчи бўлганларни, энг аввало, уларнинг "дўстлари" тарк этишади. Омадлари келиб, муваффақиятга эришганларида эса ўша юз ўгирганлар: "Энди бой бўлиб қўлига пул тушгач, бизни унутиб юборди, бир маҳаллар... юрарди", дейишади. Бироқ айнан ўшалар дангасаликлари сабаб ўзлари орқада қолишни хоҳлашди. Буни қарангки, ишида муваффақиятга эришганларнинг кўпчилиги ўша аввалги ошналарининг олдига қайтишни, уларга дўстлик ва муҳаббат билан ғамхўрлик қилишни исташар экан. Афсуски, орқада қолганларнинг ҳасадлари сабаб бунинг иложиси йўқ.

Кўп ҳолларда ҳаёт ўртасида танаффус қилиб, орқамизда ҳосил бўлган синиш ва эврилишларни қайта кўриб чиқишга, сабабини аниқлашга имкониятимиз бўлмайди. Кўпинча биз имкониятларимизни ва фикрларимизни чегараловчи, тўсувчи ғояларни қабул қилишга мойилмиз. Ҳаттоки, ривожланиш ва ўсишимизга салбий таъсир этувчи одамлар, танишларимиз билан ҳам

дўстона алоқада бўлаверамиз. Ошна-оғайниларимиз бизнинг фикримиз, нуқтаи назаримизга, одамлар билан муносабатимизга ёмон кўз билан қарасалар ҳам, улар билан алоқани узмаймиз. Шерикларимиз бизга ахлоқ қоидаларига хилоф, ноқонуний бизнес юритиш йўлларини ўргатсалар ҳам, улардан воз кечолмаймиз. Баъзида ишимиз сифатини пасайтириб бўлса-да, иложи борича тезроқ фойдамизни кўпайтириш ҳақида ўйлаймиз.

Ҳаётимиз давомида танлашимиз лозим бўлган жуда кўп тўғри ва нотўғри йўللарга дуч келамиз. Бунда атрофимиздаги одамларнинг тутган йўли, фикрларига эътибор қиламиз, суянамиз. Натижада эса муваффақиятга эришиш йўлида биздан анча олдинлаб кетганларга, ишида яхшигина самарага эга бўлганларга, ҳаётда бахт-саодатга эришганларга, толеи кулганларга эргашамиз.

Ҳар биримизнинг атрофимизни маълум бир фикр, одат, таомил, фалсафий қарашларга эга бўлган инсонлар жамоаси ўраб туради. Агар ҳаётимизни ҳақиқатда яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлсак, уларга бўлган муносабатимизни доимо яхшилигича сақлаб қолиш мумкин эмас.

Дўстлик - бу муқаддас туйғу. Лекин ҳаёт мураккаб қарама-қаршиликлардан иборат. Бир дўстимизни йўқотишдан кўрқиб ўз имкониятларимизни рўёбга чиқаришдан, орзу-ниятларимиздан воз кечишимиз тўғри бўлмайди.



Бизнесдаги ишбилармон, уддабурон бир неча дўстларимиз билан йиғилиб, тушлик ёки кечки овқатни бирга тановул қилиш - биз учун жуда осон ва одатий ишдир. Бир соат ичида биз нафақат нафсимизни қондириб, қорнимизни тўйдирамиз, балки ғийбатлашишга, кулишишга ёки баъзи сабабларга кўра ҳозир орамизда бўлмаган ҳамкасбимизни муҳокама қилишга ҳам улгурамиз. Шу орада қулоғимизга чалинган миш-мишларни тарқатиб, янгиларидан хабардор бўлиб оламиз. Суҳбатимиз жараёнида ҳукуматдан норози бўламиз, бошлиқларимизни, ишчиларни ёмонлашни ёқтирамыз. Транспорт, солиқ, об-ҳаво ва умуман бутун "тизимни" гапириб ўтамиз. Афсуски, гурунг давомида самарали ечим, фойдали қарорга эга бўлишимизда ёрдам берадиган бирор нарса қилмаймыз. Ҳаттоки, баъзи муаммоларнинг ечими, амалга ошиши мумкин бўлган ишларнинг натижаси ўша ердаги ҳамкасбларимизга боғлиқ бўлса ҳам, ишимизни "ўзи бўлар"чиликка ташлаб қўямиз.

Агар биз ҳаётимизга астойдил яхши ўзгаришлар олиб кирмоқчи бўлсак, муваффақиятларимизни кўпайтirmoқчи ва бахтга эришмоқчи бўлсак, унда анчагина қаттиққўл, тартибли бўлишимиз талаб этилади.

Бемаъни, фойдаси йўқ суҳбатларда иштирок этиб овқатлангандан кўра тинчгина,

ёлғиз, хотиржамликда тановул қилган яхшироқ. Вақтингизни ўғирлайдиган, бекордан-бекорга "сайрайдиган" одамлар билан учрашишдан воз кечинг. Бировларга ёқиш учун виждонимизга қарши бориб ёлғон гапиргандан кўра, яхшиси, ёқимсиз ва оғриқли ўша ҳақиқатни айтиб қўяқолган маъқул. Қўлингиздан келмаган ёки битиришни хоҳламаётганингиз ишга ўша заҳоти "йўқ" деб айтишга ўрганинг. Ишонинг, бу ўзингиз учун ҳам, иккинчи тараф учун ҳам фойдалидир. Бирга ишлашни истамаган одамнингиз билан ҳам шундай йўл тутинг. Хушмуомала, мулойимлигингизнинг қадрига етмайдиган инсонлар билан бошиданоқ қаттиққўл бўлганингиз яхшироқ. Турмушимизни ҳар томонлама бошқалар ҳавас қиладиган намунали ҳолатга келтиришимиз учун оддийгина ўзини "омадсиз" деб атайдиганлар қилишни хоҳламаган ишни қойилмақом қилиб бажаришни ўрганишимиз керак.

Бир нечта ёлғон, сохта "дўст"дан кўра, оз бўлса ҳам, чинакам, ҳақиқий дўстга эга бўлган яхшидир. Озгинагина сохта "дўст"дан кўра умуман дўстсиз яшаган маъқул!

Ҳаёт - танлаш, инкор қилиш, ортиқча баҳо бериш ва ўзгаришлар орасидаги нозик ҳаракатдир. Ҳаётимизга кириб келадиган ҳар бир одам унга ё ниманидир қўшади, ё борини ҳам вайрон қилади. Ҳар доим ёқимли, илтифотли, хушмуомалали бўлишга ҳаракат



қилиш - ҳамиша жавобига миннатдорчилик, яхшилик келади, дегани эмас. Ҳаётга салбий назар билан қарайдиган инсонлар уларни тинглай оладиган шундай илтифотли кишиларни доимо қидириб юрадилар. Бундайлар суҳбат жараёнида сўз орқали тингловчига ўзларида йиғилиб қолган кераксиз гапларни гапириб, ичларидаги салбий энергияни, оз бўлса ҳам, бўшатиб оладилар.

Алоҳида олиб қарасак, ҳар бир шахснинг ҳаётдаги энг катта муаммоси бошқаларнинг фикри унинг онгига, дунёқарашига таъсир этишидир. Сизнинг тутган йўлингизни ўзгартирмоқчи бўлган ўша обрў-эътиборли шахсларнинг қанчалар ҳақиқатни сўзлаётганларига диққат қилинг. Ўзгаларнинг айтган сўзлари, фикрлари, шарҳлари ҳамиша бизда ўз таъсирини, изини қолдиради.

Атрофимиздаги асабимизга тегадиган, ранжитадиган сўзлар, умидни сўндирувчи мулоҳазалар, тинимсиз шикоятлар, норозиликлар, айблов, танбеҳ ва танқид - буларнинг бари қулоғимизга чалинганида кундалик ўткинчи кайфиятимизга ва шахсиятимизнинг шаклланишига, қатъий феъл-атворимизга ўз таъсирини кўрсатади. Бир донишманд айтганидек: "Қайғули кўриниш - бахтсизлик оқибати эмас, балки фамгин фикрлар натижасидир".

Баъзан ота-оналар яхши ният билан ўғил-қизларига уларнинг ёмонлигини,

инжиқлигини, худбин ёки одамовилигини айтадилар. Ўқитувчилар ҳам гоҳида ота-оналарга фарзандларининг секин ҳаракат қилиши, болаларга қўшилмаслиги ёки ёмон ўқишини айтиб шикоят қилишади. Аслида бу нотўғри!

Ҳаммамиз болалигимизда ғайриоддий танбеҳлар ва турлича қарашдаги фикрларни эшитганмиз. Буларни айтган одамлар ўзлари билмаган ҳолда руҳиятимизнинг шаклланишида ўз таъсирларини ўтказишган. Катта бўлгач эса, биз кўпроқ ўзимизга ўхшаган, бир-биримизни яхши тушунадиган кишилар жамоасини атрофимизга йиғдик.

Ночорни ночор тушунади; камбағал камбағал билан тил топишади; омад пиллапоялари сари муваффақиятга эришаётган одам ўзига ўхшаган ютуққа интилаётганга эргашади; ҳаётга умид кўзи билан қараб, ундан яхшилик кутадиганлар айнан шундай кишилар билан дўст тутинишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг атрофимиздаги биз танлаган одамлар, воқеа-ҳодисалар, китоблар ва ҳаёт тарзимиз ҳозирги ҳолатимизга қайсидир маънода таъсир этади.

Агар ўз мавқеъимизни ва моддий аҳволимизни яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлсак, шуни билишимиз лозимки, бу ривожланиш биздан қатъий қарорга келишимизни талаб қилади. Бунда қўрқмасдан нафақат бирор нарса "қилишимиз", балки ўрни келганда борор



нарсадан "воз кечишимиз", бошқасини эса "йўқотишимиз"га тўғри келади. Шу кунгача бизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган кўпгина ҳолат ва одамлардан воз кечишга, қурбон қилишга мажбур бўлганмиз. Барча гумон, ҳаловатсизлик, салбий муносабат, очкўзлик ва худбинлик каби салбий жиҳатларни таг-томири билан кесиб ташлаш лозим. Шундай қилинмаса, уларнинг таъсири ўзгаришимизга йўл қўймайди.

Кимки ўз-ўзини ва ҳаётини ўзгартирмоқчи бўлса, энг аввало, унга салбий таъсир ўтказадиган, ўзгаришини хоҳламайдиган одамлар билан алоқани узиши керак. Ўтмиш билан "хайрлашиш" - ҳар бир ақли расо инсон учун жуда қийин масала. Бунинг устига ўз фикрлари, тергашлари, ҳаётий нуқтаи назарларини сингдиришга ҳаракат қилмоқчи бўлишлари орқада қолдирмоқчи, унутмоқчи, қутулмоқчи бўлган ёмон ўтмишимиздан ажралишимизга ҳалақит беради.

Зўрға кунини кўраётган, учма-уч яшаётган аёл ёки эркакни тасаввур қилиб кўринг. Боши қарздан чиқмайди, бозордаги энг арзон кийимни кияди, иқтисод қилиб тежаганидан қорни тўйиб овқат еган кунининг учун байрам бўлади. Тўғрироғи, байрам кунлари қорни тўяди. Бундай ҳаёт тарзида яшайдиганларнинг кийими ҳам битта ёзги, битта қишки бўлади.

Ниҳоят, ҳаммаси жонига теккан, ҳаётдан тўйган кунда қатъият, ғазаб ва ишонч билан

ўзига ўзи: "Бундай давом этиши мумкин эмас!" дейди.

Ўзини ва ҳаётини ўзгартиришга интилган бундай қатъий қарорли одамлар энди мустақил ўзлари учун керакли ва фойдали бўлган адабиётларни топиб ўқийдилар, тўғри йўлни қидирадилар, ижобий фикрлаб, жамиятдаги ўз ўринларини топишга ҳаракат қиладилар. Энди уларнинг турмуш тарзи яхши томонга ўзгара бошлайди.

Бор куч-ғайратини ишга солиб, илҳомланиб, қатъият ва тадбиркорлик билан меҳнат қилаётган киши кун охирида унга салбий муносабатда бўладиган, ҳурмат қилмайдиган, муваффақиятга эришишига ишонмайдиган оила аъзоларининг ёнига қайтишини тасаввур қилиб кўринг. Ҳар қандай оилада, албатта, масхара қилмоқчи бўлган кимдир, масалан, қайноға ёки куёв топилади. Истеҳзо билан: "Сиздай омадсиз учун бу жуда яхши машғулот! Омадингизни берсин!" дейди.

Муваффақиятга эришишига аниқ ишонган киши яқинларининг доимий унга ёмон отлик ўтмишини эслатиши худди лифтда кетаётган одамнинг ҳолатига ўхшайди. Ўз фикр, хаёлларида, ишида шитоб билан юқорига кўтарилади. Айни шу вақтда бошқа бегона одам тўсатдан лифтнинг "пастга" деган тугмачасини босиб юборади. Натижада лифт пастга тушиб, киши яна аввалги бошланғич ҳолатига келиб қолади.



Эндигина ўзига ишониб, қатъият билан ишлаш бошлаган одам тезда аввалги иккиланиш ҳолига қайтади, янги режалар кўрқиш ва хавотир билан ўрин алмашади. Охир-оқибат бу одам олдинги инсон бўлиб қолади.

Дўстларимиз бизга яхшилик тилаган бўлиб, чиройли гаплар, шуҳратпараст фикрлар билан секингина ўзимиз билмаган ҳолда реал ҳаётимизга қайтариб қўядилар. Буни нишонлаш мақсадида эса дам олиш кунлари одатий бўладиган ўтиришларга таклиф қилишади. У ерда биз аввалгидек вақтимизни бекор кетказиб, ҳазил-мазах, гийбат билан овора бўламиз.

Янги ҳаёт ҳақидаги орзуларимизни аввалги эски фикрларимизга алмаштириб, натижада юксак чўққиларни забт этиш йўлларини қидириш, улкан режалар тузиш умидидан мосуво бўламиз.

Атрофимиздаги одамларнинг таъсири - тўғри танланган дўстлар доираси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Сохта дўстлар билан ўраланиб қолиш ҳалокатли оқибатга олиб келади. Бу ҳолатда киши шахсиятининг ривожланишида дўстликнинг ҳиссаси ҳақида ўйлаб кўриш ортиқчалик қилмайди.

Ва, ниҳоят, тан олишимиз керакки, ҳақиқий дўстлар - албатта пули кўп бойлар дегани эмас. Дўст танлашда уларнинг ҳаётини йўлларига, фикрларига, дунёқарашларига ва бошқа инсонийлик жиҳатларига эътибор

беришимиз лозим. Ҳамма камбағал ҳам дўстига нисбатан таъмагир бўлмайди. Ҳамма бой дўстингиз ҳам ҳар доим сизга ёрдам беравермайди. Дўстларингизни синчиклаб ўрганинг, фақатгина банкдаги ҳисоблари ёки эришган муваффақиятлари, ютуқларини эмас.

Иқтисодий жиҳатдан турмуш тарзи турлича бўлган дўстларимизни синаб кўрганимизда шуни тушуниб етамизки, баъзи бойлар билан, шу қаторда баъзи камбағал "дўстларимиз" билан ҳам муносабатларимизни давом эттиришимиз мумкин эмас. Яхшиси, улар билан алоқани узган маъқул.



**ҲАЁТДА ЎЗ ФИКРИГА ЭГА  
БЎЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Диний дунёқарашимиздан қатъий назар ёки қанчалар ақлли, зукко бўлишимизга қарамай, жамики одамзот қандайдир улкан тизимга боғлиқлигини ёхуд уни биз тушунмайдиган куч бошқаришини инкор этолмаймиз. Менимча, башарият бу дунёга бошқа бир олам, муҳитдан келади. Унинг ақли эса у дунёга келишидан аввалроқ яралган.

Инсоннинг ўзига хос ақли, ўз "мен"и қаердадир маълум ривожланиш босқичларини ўтаб, шаклланиб, синалиб, юксалиш ва қулашларни бошидан кечириб, бир сўз билан айтганда, доимий равишда ўсиб борганига аминман.

Ер юзидаги бизнинг ўртача етмиш йилимиз - бу фақатгина доимий режали, мақсадли ҳаракатимизнинг бир поғонасидир. Бунда биз ё ривожланамиз ва олдинга силжиймиз, ё яқинларимиз, қариндошларимиз биздан янги билим ва тушунча, дунёқарашда илгарилаб кетган вақтларида таназулга учраймиз.

Агар одамзот ривожланишда орқага чекинмасдан олдинга интилса, бу унга ўтмишни ва бошқа нарсаларни чуқурроқ тушунишига ёрдам беради. Эҳтимол, шунинг

ўзи "жаҳаннам" ёки "доимий жазо"дир. Ўзи билмаган ҳолда ривожланиш, тафаккур қилиш, янгилик яратиш ўрнига ички хоҳиши билан тартибсиз, пала-партиш, бекорчилик, беҳуда гап, дангасалик, айб қидириш ва ичкиликдан қарахт бўлиш билан машғул бўлган одамнинг синовли дунёда яшаётганини билганидаги руҳий азобларини тасаввур қилиб кўринг.

Бу синовли дунёда мустаҳкам, барқарор, қадрли, бебаҳо бойликка суянган, ишонган, биз яхши кўрган одамларимиз, ҳурмат қилган кишиларимиз ҳар томонлама биздан илдамлаб кетишяпти. Биз эса энди уларни қувиб етиш учун ҳеч нарса қилолмаймиз. Бизнинг мусибатимиз шундаки, жамики муҳаббат, инсонийлик, мардлик фазилатларига эга бўлган яқинларимиз, ота-боболаримиз доимо биздан бир қадам олдинда юришлари лозим, деган тушунча ўрнашиб қолган, худди биз улардан ўзиб кетишимиз мумкин эмасдек. Ахир, ҳаракат қилсак, жуда бўлмаганда улар даражасида бўлишимиз мумкин-ку. Биз улар ҳақида доимо тўлқинланиб гапирамиз, улар билан фахрланамиз, лекин амалда ҳар доим ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қилмаймиз.

Инсоният тарихини, тақдирини қанчалик кўп ўрганганим сари одамзот ер юзида яшар экан, ўсиши, ривожланиши, нимагадир эришиши, гуллаб яшнаши ва ўз бахтига эга бўлиши кераклигига ишонч ҳосил қилдим.

Хил Дов. Фар. навуни

Хил Дов. Фар. навуни



Тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилган ҳар қандай давлатда ўз имконияти доирасида ҳар бир одам режасини, орзуларини амалга ошириб, шахсий бойликка эга бўлиши мумкин. Баъзи бир диний оқимларнинг қарашларидан фарқли равишда "Бой бўлиш - гуноҳ эмас!" деган бўлардим. Аксинча, ҳаммасини ўзи бўларчиликка ташлаб қўйиш, интизмаслик, ҳаракат қилмай, тақдирдан нолиш - ана шу гуноҳдир. Чунки кўпинча камбағаллик ўз қобилиятларини ишлатишни хоҳламаган кишиларнинг тақдири, оқибатидир.

Баъзи обрў-эътиборли дин кишилари: "Итоат ва сабр ер юзида ҳукмрон бўлиши керак", дейдилар. "Сабрли" бўлиш учун эса киши камбағал бўлиши керак экан. Менимча, бу тўғри эмас. Бундай фикрлаш бир тўда ёлғончилик, дангасалик билан қуроолланган кишиларнинг тушунчасидир. Улар беҳафсала, беғам, ишққмаслар бўлиб, шахсий тараққиётларидаги ҳар қандай ривожланиш ва ўсишни хушлашмайди.

Беҳафсала ва дангасалар тоифасига мен яна қийинчиликлар олдида осонгина енгиладиган, ожизлик қиладиган кишиларни ҳам қўшиб қўйган бўлардим. Булардан ташқари, ўз касбида етарлича маҳоратини ишга солмаган, имкониятларидан тўлалигича фойдаланмаган, рағбат қилмаган кишилар ва, ниҳоят, ҳаётида бирор маротаба турмуш шароитини яхши томонга ўзгариши учун

ҳаракат қилмаганларни ҳам дангаса ва ишққмаслардан санардим.

Жорж Вашингтон Делавэр дарёсида душман тарафга нисбатан куч ва сон жиҳатидан озчилик бўлган қўшин билан курашишга журъат қилмаганида нима бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

Авраам Линколн оддий аскар бўлганида ёки бизнесмен сифатида инқирозга учраганида, сайловда рақиблари устун келганида таслим бўлиб чекинганида нима бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

Жон Кеннеди Ойга учишга қарор қилмаганида ва Американи бутун дунё ва америкаликлар назарида энг илғор давлат сифатида кўтармаганида нималар бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

Шу каби ва буларга ўхшаш улур сиймоларнинг саъй-ҳаракатларисиз бу дунё нақадар тароватсиз, кўримсиз бўларди. Айнан улар тақдир зарбалари ва қийинчиликларни ўз иқтидорлари-ю қатъий иштиёқлари билан енгиб ўтдилар. Ўзларигача бўлган бу дунёни анча ривожланган, олдинга силжиган ҳолатида тарк этдилар.

Менинг нуқтаи назаримга, фикримга қўшилмасангиз ҳам, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, азалдан Тангри ёки ўша бизни яратган, бошқарадиган Зот мағлубиятларга чидаб яшашамизни, камбағалликда кун кечиришимизни, ўз-ўзимизни азоблаб, ўзимизга ачиниб, аяб,



дангасалик билан ҳаёт кечиримизни хоҳламаган бўларди. Менимча, Тангрининг мақсади ўзгача бўлган. Инсониятга Яратувчи томонидан шахсий фикрларини такомиллаштириши учун гоё, илҳом ва яширин ақлий салоҳият инъом этилган. Бунинг устига бу қобилиятлар ўз ривожига умуман чегарага эга эмас.

Қобилиятларимизни чеклайдиган ягона тўсиқ - бу чегара билмас шахсий имкониятларимизни тан ололмаслигимиздир. Имкониятларимиз улкан ва чегарасизлигига ўзимизни ишонтиришимиз даркор. Байрат, иштиёқ билан завқ-шавққа тўлиб ишлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Натижаларимиз қониқарсиз бўлган тақдирда ҳам ишимизни давом эттира оладиган куч керак. Ҳатто дўстларимиз бу ишдан фойда йўқлигини, бекорга уринаётганимизни айтганларида ҳам уни давом эттирадиган қобилият ва куч лозим.

Ҳаётимизда содир бўладиган ҳар бир қувончли ва қайғули кунлардан тўғри хулоса чиқариб олишимиз учун ҳам куч керак. Омадсизликка учраётганимизда, бизга гумонлар ва фожеа эргшиб юрганида ўзгалардан кўра ўзимизни кўпроқ яхши кўришимиз учун ҳам куч керак.

Мағлубиятга учраш учун ҳеч қандай куч талаб этилмайди. Бунинг учун ҳеч нарса қилмаслик ва ўз тақдиримизга, бугунимизга, келажагимизга бепарво бўлишимизнинг ўзи кифоя.

Тақдирнинг шўри шундаки, бошқаришимиз имконияти бўлган ягона нарса - ўз ҳиссиёт ва муносабатларимизга кўпчилигимиз ҳаётимиз давомида худди унга алоқамиз йўқдек муомала қиламиз. Лекин айнан шу имкониятимиз қарор қабул қилишимизда муҳим рол ўйнайди: ўқиш ёки ўқимаслик, курашиш ёки таслим бўлиш каби. Шу муносабатимиз орқали биз омадсизлик, муваффақиятсизликларда ўзимизни айблаймиз ёки ўзимиз туфайли ишимиз унмаганида ўзгаларни сабаб қиламиз.

Муносабатларимиз - яхши кўрамизми ёки ёмон кўрамиз, рост гапиряпмизми ёки ёлғон, ҳаракат қилиб ишляпмизми ёки сусткашлик қияпмиз, олдинга силжияпмизми ёки орқага тисарияпмиз - буларнинг ҳаммасини аниқлайди, ҳал қилади. Айнан шу шахсий муносабатимиз орқали ғалабамиз ёки мағлубиятимизни белгилаймиз.

Тангрининг шундай мураккаб ва чексиз оламни яратиб, унда одамзотни устун қилиб, уларга буюк ишларни амалга ошириш ёки ўзини хароб этиш учун танлаш эркинлигини, ҳуқуқини бериб қўйгани ниҳоятда ноёб ҳодисадир.

Ақл қамраб ололмайдиган, ҳар нарсадан хабардор Тангри Ер деб номланган, ўта нозик мувозанатлаштирилган шарни бизнинг ихтиёримизга берди ва унда такомиллашишда давом этиши ёки барбод бўлиши мумкин бўлган башарни жойлаштирди.



Ўз ажойиботларидан бўлмиш Ерни ва одамни такомиллашиши мумкин бўлган ҳолда яратгани ниҳоятда қойил ва лол қилиб қўядиган мўъжизадир.

У Зот жўшқин дарёлар устига кўприклар қуриб қўйгани йўқ. У тугалланмаган манзаралар, айтилмаган қўшиқлар, ёзиб битирилмаган китоблар ва ўрганилмаган кенгликларни бизга тақдим этди.

Жамики бу ишларни якунига етказиш учун Тангри фикрлайдиган одамзотнинг сиймосини яратди. У ўз юраги ва ақли доирасида тугалланмаган ушбу ишларни охирлатишга қодир бўлиши учун шундай изланувчан қилди.

Бизнинг ҳаётдаги нуқтаи назаримиз нимани танлашимизни белгилайди. Бизнинг танловимиз эса натижамизни белгилайди. Қанақалигимиз ва келажакда қандай бўлишимиз - барчаси ўзимизга боғлиқдир.

Сиз бу сатрларни ўқиётган вақтингизда сизнинг ҳаётини нуқтаи назарингиз ҳозирги ҳолатингизни, яъни ким ва қандай одам бўлишингизни белгилаб қўйган. Сиздаги ғайрат, иштиёқ, ўзингизга бўлган ишонч, тиришқоқлик, қатъият ва бошқа фазилатларингиз, шунингдек, беғубор ва чегарасиз келажакингизга қараб болаларча завқланишингиз, қўйингки, буларнинг ҳаммаси ягона тушунча натижаси - сизнинг ҳаётга бўлган муносабатингиздир.

Тангри Ўз ишини қилиб яратиб бўлган, сизнинг келажакингиз эса эндигина кашф

этиляпти. Ҳамонки ҳаёт экансиз, тирик бўлиб нафас оляпсиз, сизда ҳар доим Тангри яратган ҳамда тугалланмаган ҳолда қолдирган Ер ва одамзотни ўзгартириш имконияти мавжуд. Шундай қилиб, хулоса шуки, ҳаётини нуқтаи назар ёки ҳаётга бўлган муносабат - бу инсон ҳаётидаги ва умр мавсумидаги давр!



#### IV БОБ

### ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДОИМИЙ ВА БАШОРАТЛИ АНДОЗАСИ

Тўлқинлар қирғоққа урилиб, сўнг қайтади. Қуёш чўққига чиқиб нурларини борлиққа сочади, сўнгра ўз ўрнини зулматга бўшатиб беради. Далаларда ҳукмронлик қилган қурғоқчилик шаррос ёғадиган ёмғир билан ўрин алмашади. Бугун биз ёз иссиғидан тинкамиз қуриб лоҳас бўлмоқдамиз, эртага эса қиш ўртасида кишининг жон-жонидан ўтиб кетадиган шиддатли совуқдан сақланиб, иссиқ кийимларга бурканиб оламиз.

Эришган фаровон ҳаётимиз бизга кенг имкониятлар эшигини очади ва мукофотлар инъом этади. Лекин вақти келиб буларнинг барчаси бизнесдаги вазият, ҳолат ёмонлашиши билан ўзгаради, тўғрироғи тугайди. Юздаги кулги ўрнини кўз ёшлари эгаллайди, қувонч эса ғам-алам билан алмашади, хурсандчилик чекиниб қайғуга йўл беради.

Яқин дўстлар ашаддий душманга айланади. Ҳар биримиз Ер деб аталувчи мудом айланиб турадиган мовий шарда яшар эканмиз, қатъиятимиз бўшашиш билан, хотиржамлик руҳий зарба ва беҳаловатлик билан, ишончу орзуларимиз ноумидлик билан, эришган муваффақиятларимиз эса кўнгиш қолиши, кайфиятсизлик билан ўрин алмашиб туради.

Ҳамонки ҳаёт чархпалаги доимо айланиб турар экан, барча инсоний туйғулар туғилади ва йўқолади, сўнг яна қайта пайдо бўлади. Биз ҳайрат билан ахлоқ-одобли, маънан етук авлоднинг қандай қилиб ахлоқсиз, бузуқ ёшларга айланаётганини кўриб, томошабин бўлиб турамиз. Бу каби қийин вазиятга бир неча авлод дуч келган ва ёшларнинг бундай ахлоқсизликларини аجدодларимиз қиёмат аломатларидан деб ҳисоблашган.

Ҳар бир авлод қарама-қаршиликларни, кўнгиш қолиши, умидсизликларни, ҳаётий муаммоларни худди аввалгилардек ўз бошидан кечиради. Аслида қадимдаги одамлар ҳам айнан шундай пайдо бўлувчи ва йўқолувчи, сўнг яна қайта туғилувчи воқеа-ҳодиса ва муаммоларга дуч келишган.

Кўпчилигимиз учун ягона, доимий ҳисобланган муҳим ишимиз бизнинг ҳиссиётларимиз, ҳаётий воқеаларга бўлган муносабатимиз ва нуқтаи назаримиздир. Ҳаммамизнинг олдимизда турган энг катта муаммо ҳаётимиздаги мавсумий ўзгаришларни вақт ўтиши билан бизнинг ўзгаришимизга таъсирини кўрсатмайдиган қилиб енгиб ўтишимиздадир. Биз ҳамиша узлуксиз ва тўхтовсиз равишда ўз устимизда ишлаб ўсишимиз ва ўзгарувчи турмуш шароити-ю вазиятларига бардошли бўлишга ўрганишимиз лозим. Шу билан бирга келажагимиздаги яхши кунларимизга умид билан боқишга интилишимиз керак.



## V БОБ

### **БАҲОР - ДЎСТАИК, МУҲАББАТ, ИМКОНИЯТ ВА РЕЖАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВАҚТИ**

Қишки бўронлар кетидан фаол ҳаракат ва имкониятларни амалга ошириш вақти - баҳор деб номланувчи умр мавсуми келади. Баҳор - бу ерни ҳайдаш, унга ишлов бериш ва ҳосилдор ҳаёт экин майдонларига билим, тажриба уруғларини экиш вақтидир. Қатъий қарор ва катта масъулиятни елкага олиш давридир. Баҳор - бу омадсизликдан қўрқиб узоқ ўйлаш ва фикрлашнинг имкони йўқ бўлган фаслдир. Бу вақтда тез ва самарали ҳаракат қилиб қолгангина ютади. Ўтган йилдаги яхши ҳосилни эслаб ёки куздаги муваффақиятсиз йиғим-теримни ўйлаб, баҳорни ҳеч нарса қилмай ўтказган киши аҳмоқлик қилган бўлади. Унинг ўрнига тезда вақтни кетказмай, ишга киришиш керак.

Баҳорнинг эътиборли тарафи шундаки, у жуда тез, кутилмаганда келиб, ўзининг такрорланмас гўзаллиги билан бизни осонгина бекорчилик, ҳеч нарса қилмаслик балосига гирифтор этади. Сиз буларнинг олдида заиф, ожиз бўлиб қолманг ва гўзал баҳорнинг хушбўй гуллари тароватидан узоқ вақт маст бўлманг. Агар озгина бўшашсангиз, ҳушингизга келганингизда уруғларингиз ҳали

экилмай, қопингизда ётганини кўрасиз.

Сиз уруғ экаяпсизми ё ухлаяпсизми, экаётган бўлсангиз, керагича экиб олдингизми-йўқми, баҳорни булар умуман қизиқтирмайди.

Бугдойнинг ноёб навини экаяпсизми ёки бефойда, ёввойи ўт ўстиряпсизми, баҳорга қизиги йўқ.

Баҳор, қуёш, ер ёки бошқа табиат унсурининг сизнинг экинингиз билан заррача иши йўқ.

Баҳор ўз ҳолича бошқа йил фасллари қаторида кириб келади. Биз ундан фақатгина ўз вақтида самарали фойдаланиб қолишимиз керак. У экин экишингизни ёдингизга солмайди, мажбурламайди, экмасангиз, унинг салбий оқибатлари ҳақида огоҳлантириб ҳам ўтирмайди. Ер эгаси бўлган деҳқон баҳорни ички кечинмаларсиз кутиб олади. Ахир, Тангри қулай ётган ўрнингиздан ўз вақтида туриб, далага чиқишингиз учун ҳам ақл бериб қўйган.

Эр, ота, аёл, она ёки бизнесмен учун керакли одам билан айна вақтида суҳбатлашиб қолиш, дадиллик билан ўз ишини ёки яшаш жойини, гоҳида эса ҳаттоки кимгадир, нимагадир бўлган фикрини тезда ўзгартириш ҳаётида бошланган баҳор бўлади.

Умр баҳори кутилмаганда, тўсатдан ташриф буюради. Шунинг учун огоҳ бўлинг, уни ўтказиб юборманг. Умр мавсумингизнинг шиддатли қишини ўйлаб



бекор ўтирганингизда баҳорингиз ўтиб кетишига йўл қўйманг.

Одамзотга яратилмишларнинг улуғи сифатида берилган ақлингизни ишлатиб, донолик билан танлаш эркинлиги ҳуқуқингиздан фойдаланиб экин экиш ва дон сочишда давом этинг. Дунёнинг жамики тошлари, ёввойи ўтлари ва тиканлари, агар уруғингизни етарлича, ақл билан керакли ерга сочган бўлсангиз, уни йўқотолмайди.

Баҳорнинг сизга тортиқ қилган жамики туҳфаларидан баҳраманд бўлиш учун аввал ерни тошлардан тозаланингиз каби қилаётган ишингизни муҳокама қилиб, ўз фикрини билдириш орқали сизда гумон ва ишончсизлик туйғуларини уйғотувчи кишилардан атрофингизни тозаланг.

Ўзига ишонч, ғайрат ва иштиёқ "ўғит"идан фойдаланиш ҳар қандай ёввойи ўт ва зараркунандаларни йўқотишда яхши самара беради.

Меҳнат қилиш ғайратидан қайтарадиган одамларнинг гапига қулоқ солманг. Улар сизни ўзларининг сафларига қўшиб, бутун баҳорги иш мавсуми давомида бекорчилик билан шуғулланишингизни хоҳлашади.

Натижада уларнинг ўзлари куз ва қишда ҳеч нарсасиз қолиб, баҳорги мавсумдан унумли фойдаланиб қолганлардан ва келаси ҳосилга замин тайёрлаганлардан ёрдам сўрайдилар.

Баҳорнинг мазмуни - ғоят улкан инсоний сабр, бардош, меҳнат ва энг асосийси

ишончдир. Баҳор - бу қишки қора булутларни ҳайдовчи, янги имконият ва қобилиятларни етаклаб келувчи ёқимли, майин шабададир.

Баҳор - бу бизга яна бир ишонч, имконият ҳада қиладиган очиқ далаларга чиқиш палласидир. Кенг далада Тангри томонидан ўстириб қўйилган ранг-баранг, кўзларни қувнатувчи гулларга дуч келамиз. Улар гўё бизга табиатнинг нақадар гўзал ва мафтункорлигини яна бир бор намоиш этмоқчидек туюлади.

Қишда бизнинг совуқдан ўралиб олишимизга сабабчи бўладиган қорнинг кузда экилган уруғларни совуқ уришидан сақлаб чиққани, эндиликда қаршимизда бўй чўзиб туриши мўъжиза эмасми?!

Барча норозилик, шубҳа-гумон, умидсизлик ва ўзингиздан нолишни бир четга йиғиштириб, бор кучингизни қийинчиликларни енгишга сарфланг. Ахир, эрта баҳорда очиладиган гуллар шамол ёки совуқдан шикоят қилмайдилар-ку. Улар баҳор даракчилари, баҳор тимсолидирлар. Лолақизғалдоқлар ҳам тўсатдан қишнинг қайтишидан кўрқиб ер остига яшириниб олмайдилар-ку. Ёки яқинлашиб келаётган ёзда кўпаядиган ёввойи ўт ва ҳашаротлардан кўрқиб ўсмай қолмайдилар. Баҳор гуллари қийналаётганидан нолимайдилар. Улар мавжуд шароитларга қарши туролганлари учун, ер ва тошларни ёриб чиқолганлари учун ҳам кишилар тарафидан ардоқланадилар.



Сиз ҳам агар гуллаб яшнамоқчи бўлсангиз, улардан ибратланиб шундай қилинг.

Табиатдаги ўсимликларга ҳаёт ва мазмун берган Тангри энди сизга ҳам гуллаб яшнашингиз, юксалишингиз учун йўл кўрсатяпти. Ахир, баҳор гулларининг сиздан ортиқ, устун ери борми, сизнинг улардан нимангиз кам? Уларда фикр юритиш қобилияти ёки танлаш ҳуқуқи ҳам йўқ. Ахир, улар бир-бири билан суҳбатлашиб фикр алмаша олмайдилар ҳам.

Баҳор сизга "Мен бу ерданман, мен келдим", дейди. У бизга ўзининг бор ҳароратини, муҳаббатини беради. Келибоқ бизни қулупнайлар чиққани, қалдирғочлар келгани, омбори бўшаб қолганларни эса резавор меваларнинг пишгани билан огоҳлантиради.

Баҳор уни яхши тайёргарлик билан кутганларни кулиб қаршилайди. Дангасалик қилиб вақтини зое кетказганлар эса натижада ҳеч нарсага эришмайдилар.

Баъзилар озгинагина ҳаракат қилиб кузги ҳосилдаги етишмовчилик ўрнини тўлдирмоқчи бўладилар.

Баъзилар баҳорда балиқ овлашни, шунчаки ўйнашни, дам олишни ёки дала гулларидан завқланиб роҳатланишни хуш кўрадилар.

Баъзилар эса, керакми-йўқми, гул ва кўчатларни дуч келган ерга экиб ташлайверадилар.

Бошқа тоифадаги инсонлар дала-қирларда чиройли гулларни ўстириб қўйган Худога

таваккал қилиб ҳеч нарса қилмай ўтирадилар. Эҳтимол, улар аввал меҳнат қилиб, сўнг таваккал қилиш лозимлигини унутгандирлар...

Баҳор давридаги ҳавонинг илиқлиги, қуёшнинг тафти ва ернинг унумдорлиги омадга эришиш, яхши натижага эга бўлиш йўлининг асосий сабабларидан биридир. Омадга эришиш йўлининг давомида кишининг тинмай, ҳалол ва ҳеч қандай тўсиққа қарамай, тиришиб меҳнат қилиши ётади. Ана шу йўлнинг иккинчи қисми кўпчилик учун энг катта муаммодир.

Одам қилиб яратилган эканмиз, эркин ҳаракатланиш - танлаш ҳуқуқига эгамиз: тартибга риоя этиш ёки ундан воз кечиш, кўрқмай ҳаракат қилиш ёки кўрқувдан ғужанак бўлиб олиш, чуқур, пухта ўйлаб бирон иш бажариш ёки одатий, беихтиёр муносабат билдириш.

Бизга танлаш ҳуқуқи берилиши билан кўпинча дам олишни маъқул кўрамиз ёки бор кучимиз билан ҳаракат қилмаймиз ёхуд кўпинча ўзимизни оқлаш учун баҳоналар излаймиз.

Гоҳида шинам уйда қолишни афзал кўрамиз ёки далага чиқиб ишлаш ўрнига жилға бўйида ўтиришни ёқтираамиз. Яна ўша гўзал нарсаларни яратишда бизга кўмак берадиган ақлимиз орқали хоҳлаган ёлғонимизни, чиройли баҳонани ёки тушиб қолган вазиятимиздан осонгина чиқиб



кетишимиз учун турли сабабларни келтирамиз.

Шундай қилиб, аввало одамзотга берилган ақл ва у билан узвий боғлиқ бўлган танлаш ҳуқуқи - бу бахт эмас, балки синовдир. Чунки у жаҳолатнинг чўққиси бўлмиш ўз-ўзимизни аҳмоқ қилишимиз ва алдашимизга имкон беради.

Дам олишни эмас, фаол ҳаракатни танланг. Бемаъни орзуни эмас, ҳақиқатни танланг. Хўмрайиб туришни эмас, кулиб қарашни танланг. Душманликни эмас, муҳаббатни танланг. Ҳаётдаги ҳамма яхши нарсани танланг. Умрингизнинг баҳор мавсуми сизга кулиб боққанда ишлаш имкониятини танланг.

Баҳор мавсумидаги ҳаракатларингиз фаоллиги ҳамда имкониятларингиздан тўғри фойдаланишингиз ишончу сабрингизнинг чегараси ва даражасини белгилайди. Ҳеч қачон ҳаёт сизга баҳорда уруғ эксангиз, кузда албатта ҳосил йиғишингизга кафолат бермайди. Биз фақатгина ўзгаларнинг тажрибасига суяна оламиз. Турмушнинг тўфонлари имкониятларимиз даласида етиштирган ҳосилимизни йўққа чиқариши мумкин. Лекин шунга қарамай, баҳорда бор кучи билан зўр бериб ишламаслик кузда натижасиз қолиш деганидир.

Ишонч бизга самоларда ёзилган ўзгартириб бўлмас ҳаёт қонунини тушунишимизга ёрдам беради. Меҳнаткаш одамнинг ҳар бир ҳаракати, қийинчилиги

Хил Ден. Ҷ.пр. мавсуни

келажакда ўзини оқлаб, юз карра мукофоти билан қайтади. Бир дона экилган уруғ эртага юз маротаба ортиғи билан ҳосил беради. Бир кишига тортиқ қилинган яхшилик ўзимизга бир неча баробар бўлиб қайтиб келади. Ҳар бир кўрсатилган ишонч, ҳурмат учун кўплаб эзгуликларга эга бўламиз. Ҳар бир кўрсатган меҳр-муҳаббатимиз тўлалигича ўзимизга қайтади. Ҳар бир қўллаб-қувватлашимиз эвазига ўзгалар мақтовини оламиз.

Баҳорда қилган ҳалол меҳнатимиз кузда ёруғ юз билан ҳақли равишда дам олишимизга замин яратади. Ўзгаларга нисбатан бўлган сабр-тоқатимиз, ҳаракатларимиздан кўнглимиз тўлмаган вақтда бошқа кишилар томонидан тушуниш ва қўллаб-қувватлаш шаклида қайтади.

Баҳор бизга "Нима эксанг - шуни ўрасан", деб ваъда беради. Ёлғон эксанг - ёлғон ўрасан. Хасислик эксанг - бўш оморга эга бўласан. Сусткашликни танласанг - вақт ўтгач, барча қилган ишларинг бесамар бўлади.

Албатта ёқимли баҳор шабадаси эсиб турганда экин-тикин билан шуғулланишдан олдин ўз устимизда озгина ишлаб қатъий тартибга ўрганишимиз лозим. Агар шундай қилмасак, келаси кузда яхшигина афсуснадомат чекишимиз аниқ. Энг ачинарлиси, талаб қилинган тартиб-интизом юки бизни босиб турган пушаймонлик олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Шунинг учун умримиз баҳорида керагича дон сочишимиз, экин

Хил Ден. Ҷ.пр. мавсуни



экишимиз лозимки, кузда бошқалардан сўраб тиланчилик қилиб юрмайлик.

Бугдой эксанг - бугдой ўрасан. Онгимиздаги гумон, қўрқинч, ишончсизлик туйғулари ҳам худди ўзига ўхшаш ҳисларни уйғотади. Шу каби ер ҳам бизга эккан нарсамизни қайтариб беради. Инсон онги ҳам ҳаётий вазиятларда ўзидаги фикрлар тизими орқали унга жойланган нарсани гавдалантиради.

Севги, равнақ топиш, ўзига ишонишга ўхшаш фазилатларга кўролмаслик, ҳасад, етишмовчилик ёки ўз кучига ишонмаслик каби иллатларга нисбатан анчагина кам куч сарфлаймиз. Сарфлаётган ҳаракатимиз ўша-ўша, натижаси эса турлича.

Ҳар бир кунимиз эрта баҳордек, наврўздек бўлсин. Эртанги натижамиз бугунги фикрларимиз, режаларимиз, орзу ва ҳаракатларимизга боғлиқ. Бугунги имкониятни қўлдан чиқариш - порлоқ келажагимизни орқага суриш демакдир. Бугунги кунимизни кечаги воқеаларга қайғуриш ёки эртани кутиш билан ўтказиш тўғри эмас. Ахир, эртанги кун келганида унинг номи "БУГУН" бўлади.

Ҳеч қачон бугунги, ҳозирги фурсатдан, лаҳзадан яхшироқ кун, яхшироқ имконият, яхшироқ вақт, яхшироқ баҳорингиз бўлмайди. Бу дақиқалардан унумли фойдаланинг ва ўзингизнинг порлоқ келажагингизни қуришга ҳаракат қилинг.

*Хил Дош. Улар мавзуси*

Бугунги сусткашлик эртанги афсус-надоматга сабаб бўлади.

Айримлар учун баҳор - бу катта қийинчиликлар даври. Эҳтимол, ўзимизнинг бепарво, беғамлигимиз ёки сустлигимиз сабаб бўлиб ўтган мавсумларда омбор ва ошқозонларимиз бўш қолган. Егулик ва пул бизга келаси кузда эмас, ҳозир керак. Керагича ҳаракат қилмаслигимиз оқибатида оиламизда келиб чиққан етишмовчилик яқинларимизни муҳтожликда, ночорликда яшашларига мажбур этади. Уларнинг мўлтираб термилиб турган кўзларига қараганимизда уятдан ва умидсизликдан ерга кириб кетгимиз келади.

Бундай ҳолларда кўпинча талабларимиздан келиб чиқиб умримиз мавсумини тезлаштиришимиз ёки секинлаштиришимиз мумкин эмаслигини унутиб қўямиз. Баҳор палласи эндигина кириб келган бўлишига қарамай, у бизни кутиб ўтирмайди. Уруғни ҳосилга айлантириб қўймайди. Бизнинг эҳтиёжларимиз экиладиган уруғ каби мавсумлар алмашинувини кутиши лозим. Ахир, табиатдан олдиндан тўлов талаб қилолмаймиз.

Қобилият, талаб, хоҳиш ва ҳаттоки ёлворишлар ўзининг сусткашлиги сабаб юзага келган ачинарли аҳволни бошидан кечираётган кишига ёрдам беролмайди. Энди бу баҳорда бўшаган омбор, оч қорин, яхшигина афсус билан далага чиқишларига

*Хил Дош. Улар мавзуси*



тўғри келади. Чунки яна ишёқмаслик билан бепарволик қилсалар, аввалгидай хорлик келтирадиган вазиятга тушиб қоладилар.

Келинг, ниҳоят, донолик ва ибрат кўзи билан ҳар янги тонгимиз ўзининг ҳамроҳлигида олиб келадиган ҳаётимиз баҳорининг тортинчоқ шуъласига эътибор қилайлик: биздан ақллироқ бўлган одамларнинг фикрларини тинглаш; фарзандимизни эркалаб тиззамизда олиб ўтириш; соҳил бўйида севган кишимиз билан қўл ушлашиб юриш; донолик билан ёзилган бир китобнинг бор бойлигини ўзимизга сингдириш; биров ҳақида одатимиз бўйича ёмон гапиришга ўрганган бўлсак ҳам, уни мақтаб қўйиш; гулларни, капалакларни учратиш ва яна бошқа ажойиб гўзал табиат тимсолларини кузатиш имкониятига эга бўлиш энг катта бахтдир.

Гоҳида хилма-хиллик учун ҳеч нарса қилмасликнинг ҳам қадрига етишни ўрганинг. Камдан-кам бўладиган бўш вақтингизда турли эрмаклар билан шуғулланинг; масалан, имкониятдан фойдаланиб телевизор кўринг ва оилавий суҳбат қуринг ёки шунчаки жимжитликда, тинчликда роҳатланиб ҳузур қилинг. Атрофимизни пайдо бўлиб, тезда йўқоладиган кўплаб имкониятлар ўраб туради. Ундан фойдаланиб қололганлар яхши хотиралар билан эслашади. Фойдаланишга вақт тополмай эринганлар афсус қилишади.

*Хил Дои. Улар навуни*

Ҳаёт - бу чиндан ҳам доимий ибтидо, ҳар доим янги туғиладиган имкониятлар, доимий баҳордир. Биз фақатгина ҳаётга янгидан, болалигимиздаги каби беғубор қарашга ўрганишимиз керак. Қизиқувчанлигимиз ва завқланишимиз атрофимизга яна бир бор бошқача, самимий назар солишимизга ёрдам беради.

Бахт, омад ва руҳий барқарорлик одатий кундалик турмушдан ажойиб ғаройиботларни тополганларга ҳамроҳ бўлади.

Куёш, ер ва уруғнинг баҳорда бир бутун яхлитликни ташкил этиши ундан унумли фойдаланганлар учун кутилган ажойиб натижалар тортиқ қилади.

*Хил Дои. Улар навуни*



### ЁЗ - ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АРДОҚЛАШ ВАҚТИ

Ҳаётда омадга эришиш - мураккаб ишдир. Ер қаъридан ўзига йўл очиб чиқиб ёруғлик ва кўкка интилаётган уруғ ҳам ўзи учун мураккаб йўлни босиб ўтмоқда. Олдинга интилиш, ҳар қандай ҳаракат ёки бахт ва омад тинимсиз изланишни талаб этади. Чунки доимо заиф, қатъиятсиз ва номуносиб кишиларни фикридан қайтарувчилар топилади. Турмушда бир тўсиқни енгсангиз, ўрнига бошқаси тайёр бўлиб чиқиб туради.

Ҳаёт - бу қийинчиликларни енгиб эришилган муваффақиятлар тарихидир. Ахир, меҳнатсиз ютуққа эришиб бўлмайди. Ҳаёт сизни синовлар изтиробига ва муаммолар гирдобига ташлагани учун уни айбламанг. Ўсимликлар ҳам устиларида ё остиларидаги ўсишига, ёруғликка йўл очишига халақит қилиб уларни босиб ётган тошлар устидан шикоят қилишмайди-ку. Агар биринчи тўсиқ ва қийинчиликдаёқ ҳар бир тирик жон таслим бўлганида ер юзида ҳаёт ҳурматига лойиқ бирор нарса бўлармиди?!

Ҳаёт мудом ва шафқатсизлик билан бизни қуйига тортади. Ҳар сафар янги кўнгилсизликлар, умидсизлик ва

ғамгинликларга сабаб топилади. Доим таслим бўлишга баҳона тайёр, шикоят қилишга асос бўлади. Озгина оғишсангиз, тақдир сизни пастга қараб улоқтиришига имкон берган бўласиз. Фақтгина ёввойи ўтлар ва зараркунандалар ўз ҳолича ўсади. Уларни ўстириш ва эҳтиёт қилишнинг ҳожати йўқ. Бундайлар меҳнаткашларнинг ҳаққини еб жон сақлайди ва кўпаяди.

Ҳаётимиз ёзи - бу эришган ютуқларимизни асраш, жонга тегиб безор қиладиган зараркунанда ва ёввойи ўтлардан кундалик ҳимояланиш вақтидир. Баҳор эса ҳаёт қийматини, қадрини яратадиган вақтдир. Ёз фаслида уни парваришлаб кўпайтирамиз. Бу фаслда келажагимиз учун пойдевор қўйиб, куч тўплашимиз лозим. Баҳор инсон кучи, ҳаракатининг ниҳояси бўлиши мумкин эмас. Ахир, бир иш, муаммо тугаши билан бошқаси бошланади. Куч-қувват тугаб, бепарволик, беғамлик, ўзи бўларчилик бошланганда ўрнини тушкунлик, касод ва камбағаллик эгаллайди. Шунинг учун ҳам дунёда турли ёввойи ўтлар ва зараркунандалар яшайди. Ахир, омадга интилаётган ўша одамнинг ирода кучини синаш, мукофотга лойиқми-йўқми, буни текшириш учун керак бўлади улар.

Ҳаётдаги ҳамма яхши нарса ўзгалар босқини, тажовузи хавфи остида туришини тушуниб етишимиз даркор. Бу усул мукофотга сазовор муносибларни табиий



танлаб олиш йўлидир. Ҳаётдаги зараркунандалар қатъиятни гумонга, ишончни шубҳага, сабрни бесабрликка, зўр бериб тиришиб ҳаракат қилишни сусткашликка, ҳаловатсизликка ва, ниҳоят, мағлубиятга учратиш учун яратилган. Бебаҳо вақтингизни табиат билан баҳслашишга сарфламанг. Тош ва бўронлар, бегона ўт ва зараркунандалар табиатдан дарғазаб бўлиб, адолатсизликда айблайдиганларни масхара қиладилар. Лекин одатда кўпроқ қийинчиликлар билан курашмайдиганлар, қатъиятсиз, сусткашлик қилиб, яна ҳаётдан мукофот кутадиганлар устидан куладилар. Эккан донларингизга зарар келтирадиган қушлар, бўлғуси ҳосилингизни нобуд қилмоқчи бўлган зараркунандалар билан курашиб вақтингизни зое кетказманг.

Астойдил ҳаракат билан меҳнати мевасини ҳимоя қилиб ўстираётган деҳқон ё боғбон учун ҳеч қандай зараркунанда ва тўсиқлар баҳордаги шунча хизматини йўққа чиқаришга қодир бўлолмайди.

Бизга ҳамиша ҳамроҳ бўладиган ҳаётнинг салбий воқеа-ҳодисаларини тўғри ва мардонавор қабул қилишга ўрганинг. Ёдда тутингки, салбий ҳодисалар инсоннинг доимий шиддатли сиқуви ва кучли таъсири, мустаҳкам, қатъий ишонч ва ўзгармас нуқтаи назари остида ўз кучини йўқотади. Айтилган-ку, нима эксанг - шуни ўрасан, деб. Лекин қачонки экин экиш машаққати ишонч ва

ҳаётгий қадриятларга доимий эътибор билан чамбарчас боғлансагина, ҳосил нобуд бўлмай ўриб олинади.

Тақдир қийинчиликлари, қарама-қаршиликларини кулиб қарши олинг. Улар устидан ғалаба қозониш учун тезда ҳаракат қилинг. Сизга юборилаётган қийинчиликлар учун тақдирингиздан миннатдор бўлинг. Чунки синовлар орқали инсон руҳияти тобланади. Шубҳасиз, инсон иродаси, хулқ-атвори қийинчиликларнинг йўқлиги, бўлмаслиги билан эмас, балки уларга жавоб қайтариш билан шаклланади ва мустаҳкамланади.

Ҳаётдаги ҳамма нарса, ҳаттоки бахтсизлик ҳам ўз вазифасига эга.

Биз иккимиз, мен - шу сатрлар муаллифи ва сиз - менинг ўқувчим, сабаб ва оқибатлар дунёсида яшаймиз. Биз яшаётган дунё қачонлардир экилган экин ҳосилидир. Баъзи уруғларни ўзимиз экдик, бошқаларини эса биз учун ота-оналаримиз, ўқитувчиларимиз ва бизга яхшилик истаган ўзга кимсалар экишган. Нима бўлганда ҳам ҳозирги нуқтаи назаримиз, иқтисодий имкониятларимиз, атрофимиздаги олам, ҳаёт тарзи ва келажақдаги шахсий имкониятларимизни кўра олишимиз бир сўз билан мавжуд шароит, вазият дейилади. Шу шароитни ўзгартириш учун унинг сабабларини, яъни ўзимизни ўзгартиришимиз лозим. Агар мавжуд вазиятни ўзгартирмоқчи бўлсак, ўз



одатларимизни, нуқтаи назаримизни, фикримизни, гоҳида эса касбимизни, яшаш жойимизни, ҳаттоки дўстларимизни ўзгартиришимизга ҳам тўғри келади.

Гул дўконига кириб келган киши ўйлаб ўтирмай, ҳаттоки мутахассис билан ҳам маслаҳатлашмай, ўзига ёққан гулни танлаб сотиб олади. Уни авайлаб уйига олиб бориб, томорқасидаги боғига экади. Бир неча ой ўтгач, гул чиройли бўлиб бўй чўзганида, кўзларни қувонтирадиган даражага етганида эгасининг бу гулга аллергияси борлиги аниқланади. Энди унинг атиргул ёки лола эмаслигига ачиниш бефойда, аҳмоқлик бўларди. Вазиятни фақатгина одамга натижаси ёқмагани учун ўзгартириб бўлмайди. Хафалиги ва кўз ёшларининг сабабчиси - ягона унинг ўзи. Қобилияти ўртача бўлган одамлар билан ҳам шундай бўлади. Бунда ўсиб чиққан уруғни - етилган ҳосилнинг ҳаёт уруғларини ўзи экканми ё бошқа кишими, аҳамияти йўқ.

Бошқаларни айблаш, ўзини аяб ачиниш, вайсаб гап сотиш ва сабабини қидириш ақлли одамнинг иши эмас. Сабабини излашда ўз ихтиёри билан зўр бериб фойдали ва унумли курашсагина, кутилган натижага эришади. Агар мавжуд шароитни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, унга бор кучингиз, фикрингиз, диққатингизни қаратинг. Бўш вақтингизни ўз устингизда ишлашга, режалар тузишга сарфланг. Фурсатдан унумли фойдаланиб,

муҳим лойиҳалар билан шуғулланинг; фикрларингизни мақсад сари йўналтиринг; иқтидорингизни арзирли, мақсадли машғулотларга сарфланг; муҳаббатингизга сазовор, лойиқ кишиларни яхши кўринг; кадр-қиммат, обрўйингиз қадрига етинг, ардоқланг. Ўзингизни қандай тутишингиз, одамларга бўлган муносабатингиз ҳаётингиз сифатини белгиловчи омилдир.

Келинг, таҳлил қилиб кўрамиз. Одамлар ва воқеалар сизни ранжитади, кўнглингизни совутади. Улар орасида ҳаммадан ҳам яхши кўрганингиз, шунингдек, зўрға танийдиган кишиларингиз ҳам бўлиши мумкин. Кўпинча улар ўзлари билмаган, сезмаган ҳолда, қандайдир вазият ёки кутилмаган ҳолатлар сабаб сизга озор бериб қўйишади.

Инсониятнинг охириги олти минг йиллик тарихи давомида шундай вазиятлар кўп бўлиб келмоқда. Сизнинг дард-аламингиз, хафагарчилигингиз ер юзидаги биринчи ўзга кишининг ўйламай қилган ҳаракати, гапирган гап натижаси эмас. Атрофингиздаги содир бўлаётган яхши ва ёмон воқеа-ҳодисалардан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли - жамиятдан айри ҳолда яшаш, бошқача қилиб айтганда, тарки дунёчилик қилиш. Лекин шунда ҳам тарк этган жамиятингиздаги бўлаётган воқеалар, янгиликлардан хабардор бўлишни хоҳлаб хотиржам бўлолмайсиз. Фикру хаёлингиз ўша ерда бўлиб, сизга озор беради. Шунини



тушунган ҳолда бу муаммонинг сизнинг фойдангизга ҳал бўлиши учун фақатгина бир ечими бор. Атрофингиздаги одамлар ёки бирор-бир воқеа сизни ранжитганда ўз устингизда айниқса кўпроқ ишлашга ҳаракат қилинг. Ҳамонки об-ҳаво, транспорт оқими ёки яхши кўрган инсонларингиз, қўшниларингиз, бошлиқингизга ўз таъсирингизни ўтказиб бошқара олмас экансиз, унда ўзингизни бошқаришни ўрганинг.

Ишонинг, иккиланиш бўлган ерда қатъиятга ўрин йўқ. Ўзингизга бефарқ бўлиб, паст назар билан қараманг. Ўзига ишонмаслик йўқотишларга олиб келади. Ўзингизни ерга уриб камситманг, лекин шу билан бирга кеккайиб катта кетманг. Ўзингизни аслида нимага сазовор бўлсангиз, шундай тутинг - ўта камтар ёки, аксинча, каландимоғ бўлманг. Қўпол ва манмансираган ҳам бўлманг. Бу иллатлар сиздаги нуқсон, заиф ерларингизни беркитмоқчи эканингизни билдиради. Ўтмишингизга ачиниб вақтингизни беҳудага сарфламанг. Яхшиси, порлақ келажагингиз учун донолик билан ҳаракат қилинг. Сиз - дунёдаги барча нарсани ўзгартириши мумкин бўлган ҳосилдор уруғсиз. Ҳеч нарса қилмай ётиш эмас, аксинча, ҳаёт деб номланган ерда ўсиб-унишингиз ва бу жараёндаги жамики тўсиқларни енгиб, бепоён уфқлар сари интилишингиз лозим.

Сизнинг тақдирингиз - сиз бор иқтидорингизни сарфлаб, ҳаётда қачонлардир орзу қилганингиздан ҳам кўпроқ ўзингизни сазовор деб биладиган ҳамма нарсага эга бўлишдир: кўпроқ севинг, кўпроқ завқланиб роҳатланинг, кўпроқ ютуққа эга бўлинг, кўпроқ режалар тузинг, кўпроқ ўзгалар диққатини жалб этинг ва кўпроқ хурсанд бўлинг. Сизнинг қарорингизни кутиб турган ҳаёт савияси, даражаси ана шундай. Албатта сиз бунга сазоворсиз! Айнан шу йўлни танланг. Сизни омад кутмоқда!



### КУЗ - МЕҲНАТИНГИЗ МЕВАЛАРИНИ ЙИҒИШ ВАҚТИ

**Мен баҳорни ёқтираман, лекин у жуда ҳам ёш. Мен ёзни ёқтираман, лекин у жуда ҳам мағрур. Шунинг учун ҳаммасидан ҳам кўра кузни яхши кўраман. Сабаби унинг барглари сарғимтир, ранглари ёрқин, бўёги ранг-баранг ва унда доим енгилгина гамгинлик аломати бор. Унинг олтин бойлиги баҳорнинг маъсумалиги, ёзнинг қудратини билдирмайди, балки яқинлашиб келаётган қариликнинг етуклиги ва донишмандлигидан хабар беради. У ҳаёт охирлаб қолганини билади ва бундан мамнун.**

Линь Юнь

Куз - бу шод-хуррамлик ва ўзини ўзи тафтиш қилиш вақти. Баҳорда астойдил уруғ сочиб, экин экканлар ва зараркунандалар, бегона ўтлар, об-ҳаво инжиқдиклари билан курашганлар кузда ҳосилларини йиғиб, ҳосил байрами қилишлари мумкин. Фақатгина баҳорнинг келиб-кетишини кузатганлар, унинг ўткинчилигидан фойдаланиб, етарлича ҳаракат қилмаганлар учун куз фасли

вақтинчалик саросима, эсанкираш, ҳаловатсизлик, яхшигина афсус ва армонни улашадиган давр бўлади.

Айнан кузда қишнинг қанчалар узун ёки қисқа бўлишини кўришимиз мумкин. Куз бизга яхши ишладикми-йўқми ёки ўзимизни алдаб, вақтимизни фойдасиз суҳбатлар билан бекор ўтказдикми, барини кўрсатади.

Ер ва куз биргаликда инсоннинг чеккан заҳматлари устидан сўнгги қатъий қарорни чиқариб, ҳакамлик вазифасини ҳам бажаради. Бу қатъий ҳукмдан норози бўлиб, арз-шикоят қилиб бўлмайди. Ахир, офир меҳнат, жонкуярлик ва сабр маҳсули эътирозга ўрин қолдирмайдиган гувоҳдир. Ҳосил ё мўл-кўл, сероб бўлади, ё ўзгача натижа беради. Агар ҳосил кутганимиздек бўлмаса, ўтган баҳорда унга жавобгар бўлганлардан сабабини сўрашимизга тўғри келади. Кам ҳосил берадиган унумсиз ерни, ёмон уруғни ва ноқулай об-ҳавони баҳона қилишни эътиборсиз қолдирганимиз маъқул. Сабаби деҳқон ерни танлаб, уруғни саралаб, сўнгра уларни далага сочган. Бу ҳолда мавжуд шароит эмас, деҳқоннинг ўзи ҳосил ололмаганига айбдор бўлади.

Даладаги тўкин-сочин ҳосилни кўриб кишининг кўзлари қувнайди, дили яйрайди. Куздаги ҳосилсиз ердан ачинарлироқ манзара бўлмайди. Даладаги ҳосилни етиштириш вазифаси юкланганлар билан шундай ҳол рўй беради. Бизнес оламида ҳаёти ва тижоратини



ишониб топширганда уни оқлолмаганлар аҳволи ҳам шу кабидир. Ўртамиёна, камчил ҳосилни йиғиб олаётганимизда олдинги хатоларимизни тан олиш ва бошқа қайтармасликка ўзимизга ўзимиз ваъда беришимиздан бошқа йўлимиз қолмайди.

Бўшаган банк ҳисоби - ўтмишдаги самарасиз ҳаракатларимиз натижаси; қўлдан чиқарилган имкониятлар оқибати, ўта сусткашлигимиз ёки дангасалигимиз белгисидир. Дунё қонунияти жуда оддий. У фермерга ҳам, бизнесменга ҳам бирдек тегишли. У ҳар бир нарсага ва ҳар бир одамга тенг қўлланилади. Бу ёруғ дунё яралгандан бери маълум ва машҳурдир. Азалдан инсонлар уни четлаб ўтишга, унинг устидан баҳслашишга ёки унга бепарволик билан қарашга ҳаракат қилишган. Қолаверса, меҳнатимиз натижаси ушбу қонунга риоя қилдикми-йўқми, шуни кўрсатади. Қонун жуда оддий ва ҳаммага машҳур. У шундай:

"Нима эксанг - шуни ўрасан".

Инсон фаолият олиб борадиган ҳар бир соҳада унга нимани сарфлаган бўлсак, албатта ўзимизга қайтади. Бу табиат қонуни "ҳисобни тенглаштириш" дейилади. Фикримиз каби қилган ишларимиз ҳам натижани, ҳаётимиз йўлини ва нуқтаи назаримизни белгилайди. Ёлғон, эртами-кечми, бошқа ёлғонга йўл очади. Сифат кўрсатгичи пасайиши эвазига енгил йўللарни ахтариш олдини олиб бўлмайдиган йўқотишларга ва фойданинг

камайтишига, энг асосийси эса беҳаловатлик сабаб уйқусиз тунларга олиб келади. Ҳар қандай меҳнат, у хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими, савдо бўладими, ишга жойлаш ё ишлаб чиқариш бўладими, у билан шуғулланган барчага фойда олиб келиши керак. Бўлмаса, бу иш сўнгги синов - вақт синовидан ўтолмайди.

Баҳорда экилган бир дона буғдой уруғи кузда бир неча бош буғдойга айланади. Худди шу ҳолат арпа, қовун-тарвуз ва бошқа ўсимликлар билан ҳам рўй беради. Бир уруғни экиб, ёз ўртасида фикрингиз ўзгаргани учун бошқа экин ҳосилини кутишингиз ақлга тўғри келмайди.

Кўпчилик одамлар ўзгаларнинг ютуғини кўриб буни ё омад, ё қаллоблик, муттаҳамлик эканини таъкидлайдилар. "Ҳа, албатта ажойиб, энг қиммат машинани ҳайдаб ҳашаматли уйга кириб кетаётган киши ҳалол меҳнати ва қийинчиликлари эвазига шунча бойликни ишлаб топган бўлиши мумкин эмас!" деб ўйлайди камбағал одам. Бу машина ва дабдабали уй эгаси бўлмиш омад соҳиби умрининг баҳорида қилган меҳнатлари эвазига ҳаётининг куз палласида унга берилган мукофотни, ҳосилни йиғиб олапти, ахир. У меҳнат қилган баҳорда ҳозир уни муҳокама қилаётганлар дангасалик қилиб ўтиришган ёки балиқ тутишган ё бекорчиликдан бир-бирларига латифалар айтиб беришган. Инсон аҳмоқлигининг



натижаси шундай. Ҳеч нарсага эга бўлмаганлар ҳар доим мулк эгаларидан нафратланишади. Муваффақиятга эришган эркак ё аёлнинг "омади чопгани" ёки "муттаҳамлиги"ни муҳокама қиладиганлар, менсимайдиганлар бу ютуқларига улар қандай ва қанча ҳақ тўлаганларини, шубҳасиз, билмайдилар. Ўша масхара қилаётганлар уларнинг умидсизликларини, кўнги қолишликларини, амалга ошмаган режаларини кўрмаганлар, ўзларида ҳис қилмаганлар. Ҳеч қачон қўлланилмаган ғоя ва лойиҳага маблағ сарфлаш қанчалар таваккалчилик эканини тушунмайдилар. Улар ишнинг юридик тарафини, солиқ тизимидаги мураккабликларни, касаба уюшмаларининг чақириқлари ва ҳукумат тарафидан қўйилган чегараларни, оиладаги тушунмовчиликларни, шунингдек, бошқа қийинчиликларни бошларидан ўтказмаганлари учун билмайдилар. Улардан нафратланадиганлар ютуққа эришиш йўлидаги тўсиқ ва сабабларни, қанчалар машаққат билан енгиганларини билмай, фақатгина натижани кўришади, холос. Ҳамонки ўз манфаатини кўзлайдиган худбинлар бу дунёда муваффақиятга эришган кишиларни кўролмас эканлар, уларнинг ўзлари ҳозиргидай қолюқ аҳволда яшашга маҳкумлар.

Кузда биз натижаларимиздан ё хурсанд бўламиз, ё норози бўлиб, шикоят қиламиз. Кимки баҳорнинг афзалликларидан,

имтиёзларидан тўлалигича фойдаланмаган, ҳосилини ёзги жазиримадан сақлаб қолалмаган бўлса, асосли баҳоналари бўлиши мумкин эмас. Фақатгина шикоят қилиши, нималардандир норози бўлиши мумкин. Шикоят эса ўз айбини вазият ва шароитга ағдаришдир.

Фақирона кулба билан баҳаво ердаги ҳашаматли уйнинг фарқи худди баҳорда ўртамиёна ҳаракат қилган билан ўша йили бор кучини сарфлаб, қаттиқ ҳаракат қилганга ўхшайди. Табиат бизга йўқдан бор бўлишини, экканизмиздан кўра кўпроғига эга бўлишимизни ваъда қилади. Шуни билган ҳолда биз одатда кўпга эга бўлишимиз учун кўпроқ экишимиз лозимлигини унутиб қўямиз.

Умримизнинг баҳор палласидаги фаол ҳаракатимиз - куздаги катта муваффақиятимизнинг гаровидир. Имкониятларимиз даласида ҳафтасига қирқ соат вақтимизни сарфлашимиз етарли бўлмаслиги мумкин. Айниқса, агар биз бу вақтимизни керакли далада ўтказмаган бўлсак. Натижамизни ўзгартириш учун даламиз ери тош ёки тиканаклар билан қопланганини, ҳосилдор ер эса жуда камлигини тан олишимиз лозим. Далани бошқа ҳосилдор ерга ўзгартириш жуда қийин бўлса ҳам, ҳеч нарсени ўзгартирмаганимиздаги қийинчиликка қараганда бу арзимас бўлиб қолади.



## VIII БОБ

### ҚИШ

Қиш баҳор каби кутилмаганда ўзининг жиловланмаган ҳукмронлигини истаган вақтида кўрсатиши мумкин. Ёз чилласида экинларимизга шундай муҳаббат билан ғамхўрлик қилаётганимизда қиш кутилмаганда ташриф буюриб, машаққатлар билан эришган ҳосилимиз мевасини нобуд этиши мумкин. Баҳорги умид ва имкониятлар палласида ҳам қиш ўзининг даҳшатли, ваҳимали юзини кўрсатиб қолади. Агар биз тезда ўз вақтида унинг хароб қиладиган кучини кесмасак, бу бўрон туфайли имкониятларимиз фурсати яна бир йилга орқага сурилади. Қиш фасли куздаги машаққатли меҳнатимизнинг ҳосилни йиғиш чоғида ҳам тўсатдан ташриф буюриши мумкин.

Ҳаётдан оладиган биринчи муҳим сабоғимиз шундан иборатки, қиш совуқлар бошланиб, изғиринли шамоллар эсганда эмас, кутилмаганда бостириб келиши мумкин. Афсус-надомат ва ёлғизлик, умидсизлик ёки фожеа уйимизга чақирилмаган "меҳмон" бўлганида умр мавсумимизнинг қиши ташриф буюради. Қиш - бу илтижоларимиз жавобсиз қолишидир. Қиш - бу иқтисодий қийинчиликларнинг бошланиши, қарз

берганларнинг эшик олдида туришларидир. Қиш - бу ютқазининг, дўстинг сенга сотқинлик қилишидир. Қиш турли кўринишда ва турли вақтда деҳқон, бизнесмен ва ҳатто бизнинг шахсий ҳаётимизга ҳам ташриф буюриши мумкин.

Қиш бостириб келганида бизни икки ҳолатда топиши мумкин: ё унга тайёр турган бўламиз, ё аксинча.

Баҳорда астойдил меҳнат қилиб, унинг келишига тайёр турганларга, ёзда даласидан ташвишланиб, кузда катта хирмон тўплаганларга қиш янги имкониятлар палласи бўлади, холос. У китоб мутолаа қилиш, режалар тузиш, келаётган баҳорга куч-қувват тўплаш, яхши дам олиш фурсатидир. Яхши кўрганларимиз билан, бирга меҳнат қилганларимиз билан вақтимизни хурсандчиликда ўтказадиган умр мавсумимиздир. Бу - шукроналик, ҳаётнинг сахий туҳфаларидан завқланиб роҳатланиш давридир. Қиш - қўлга киритганларимиз ва эришадиган ютуқларимиз учун тақдиримиздан миннатдор бўлиш палласидир. Қиш - дам олиш, аммо бекорчилик даври эмас. Бу - илиқ суҳбатлар, аммо асло ғийбат даври эмас. Бу - мағрурлик эмас, ташаккурлар айтиш мавсуми. Бу - худбинлик эмас, фахрланиш вақти.

Вақтимизни қандай сарфлашимиз, нима билан шуғулланишимиз, дўстларимизга бўлган муносабатимиз ва қиш фаслидаги



руҳиятимиз келаётган баҳорда қандай йўл тутишимизни белгилайди. Биз доимо талабларимизни мураккаблаштириб, ўзимиз ва ишимиз натижасини такомиллаштириб боришимиз лозим. Биз ё ўз устимизда ишлаб ривожланамиз, ё инқирозга юз тутамиз. Ҳеч қачон аввалги ҳолимизча қололмаймиз. Агар биз камолотга эришмаётган бўлсак, демак, ўз ақлимиз, соғлом фикримиз ва имкониятларимиздан унумли фойдаланмаяпмиз. Натижада эса фойдаланмаётганларимизни бир умрга йўқотишимиз мумкин. Ақлимиз, кучимиз, қобилиятларимиз, фикр ва имкониятларимиз талаб доирасидан ташқарида қолиб кетади. Ана ўшанда, эҳтимол, биз таназзулга, инқирозга учрашимиз мумкин.

Одамзот ёки олдинга қараб юради, ёки орқада қолиб кетади. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Бу асосий ҳаёт қонунларидан биридир.

Қишга тайёргарлик кўрмаганлар учун у афсус, надомат, бахтсизлик ва қийинчиликлар давридир. Ўтган йилларда қатъий тартибга риоя қилмаганимиз, ўзимизни ўзимиз бошқармаганимиз учун эндиликда катта ғам, пушаймонлик билан ҳақ тўлаяпмиз. Ноқулайликлар ва тартиб-интизом йўли пушаймонлик, қийинчилик, мусибатлар билан солиштирганда арзимас бўлиб кўринади. Афсус, бу - бўш омбор ва қуруқ ошхона. Келгуси кузгача эса ҳали яна бир йил

бор. Келаётган баҳорни ҳам бемажол, кучсиз, бўш ошқозон ва бўш кармон билан қарши олишимиз керак. Қишга тайёргарлик кўрганлар учун куз - эрта баҳорнинг ўзгача кўриниши. Унинг келишини унутганлар учун кўрқув ва саросима вақти. Ўзаро муҳаббат ва бир-бирини тушуниш ўрнини айблов, қаҳр-ғазаб эгаллайди.

Қишда биз учун энг кўрқинчлиси бу - тайёргарлик кўрмаган, кутилмаганда ташриф буюрган баҳоримиздир. Тасаввуримизда қишқи изғирин, далалардаги оппоқ қор, муз қоплаган дарахтлар гавдалансин. Хаёлан очликдан йиғлаётган болалар, оиламиз аъзоларининг умидсиз нигоҳларини кўз олдимизга келтирайлик. Буларни олдиндан ҳис қилсак, келаётган баҳордаги офир меҳнатдан қочмаймиз. Хаёл, тасаввуримиздаги воқеалар рўй бермаслиги учун бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз.

Ҳамма фасллар ичида, айниқса, қиш ҳаётимизнинг бошқа тарафларига ҳам таъсир этиши мумкин. Биздан кўра аҳволи ёмонроқлар борлигини эслатиб бизни текшириб кўради. Қиш - қўлдан чиқарилган имкониятлар вақти ёки яқинларидан айрилиш палласи бўлиши мумкин. Қиш - бу содиқ дўстингиздан кўнглингиз қолганида ё рақибларингиз ғалабага эришганида ташриф буюрадиган мавсумдир. Яхши кўрганларимизнинг қўпол гап-сўзи, совуқ нигоҳи ҳам биз учун қишдир. Яқин



маслаҳатгўйларимизнинг умидсизлиги, келажакка ишонмаслиги ҳам биз учун бир қишдир.

Қишнинг ўртасида турганлар учун энг катта синов баҳор келишини унутиб, унга тайёргарлик кўрмасликдир. Доим ёдда тутиш лозимки, ҳар қандай муаммонинг ечими бўлади. Энг асосийси ўзимиз ўша муаммога айланиб қолмаслигимизда!

Агар пулингиз қолмаса, сизни ҳеч ким ёқтирмаса, иш жойингиз бўлмаса - бу, шубҳасиз, умрингизнинг қиш мавсумидир. У қачонлардир баҳорингизни ўтказиб юборганингиз учун чақирилмаган меҳмон бўлди. Заррача эътиборсизлик ҳар доим қимматга тушади. Қиш эса - фақатгина аввалги салбий сабаблар оқибатида келиб чиққан вазият, шароит, натижа, холос. Қаҳри қаттиқ, шафқатсиз қишингиз устидан қилган шикоятингиз уни янада бераҳм қилади. Бахтсизлигимиз сабабларини кўпинча бошқалардан қидирамиз, ўзгаларни айблаймиз. Асосийси фақатгина ўзимиз айбдор бўлмасак бўлди. Бу ҳолат жавобгарликдан қочишнинг энг қулай ва осон йўлидир. Инсон табиатида омадсизлиги учун кимнидир айблаш - бор нарса. Шунинг учун ҳам одамларнинг кўпчилиги нўноқликлари сабаб меҳнатлари самарасини кўролмайдилар.

Агар сиз мавжуд шароит, вазиятни, нарсаларни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ўз

нуқтаи назарингизни, одатларингизни, фикрингизни ўзгартиринг. Аслида умуман бошқача бўлиши кераклиги, бундай бўлиши адолатсизлиги ҳақидаги суҳбатлар суҳбатлигича қолиб кетаверади. Ҳаётларининг қиш фаслида дангаса ва ғийбатчилар бефойда суҳбатлар, гап сотиш билан овора бўладилар. Бу бекорчи гапларда уларни офир реал ҳаётларидан чалғитиб, тинчлантирадиган нимадир бор. Бундай хотиржамликка телевизор кўрганимизда ҳам эришамиз.

Алкогол ва наркотикларни қабул қиладиганлар ҳам ўз муаммоларига тўғри ечим тополмаётганлардир. Ўзгаларнинг руҳий заифлиги, ожизлиги ҳақида қилинадиган ғийбатлар уларнинг шундай нуқсонларини беркитишларига ёрдам беради.

Қиш сизни ўтмишдаги хато ва камчиликларингизни тафтиш қилишга эмас, балки келаятган баҳорда яхши ният, режалар қилишга ундасин. Қиш сизни кулиб турган, бахтли, атрофингиздагилар сизга илиқ тилаклар билдираётган, келажакка умид кўзи билан қараётган ҳолда кўрсин. Ёмонликларни ўйламанг. Ўтмишингиздан афсусланманг. Эришганларингизга миннатдор бўлиб, шукр қилинг.

Қиш - бу синовлар, баҳорга тараддуд, ўзига ўзи баҳо беришдир. Бу - мақсадларни қайта кўриб чиқиш ва маблағни янги режалар учун тўғри тақсимлаб олиш палласи. Бу - эски муаммоларни ҳал қилиш ва бошқа сиздан



кўра омадсизроқларга ёрдам бериш ниятида янги режалар тузиш вақти. Бу - ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўйлаб ўтирмай ҳукм чиқаришга мажбур қиладиган инсоний ҳис-туйғулар, жаҳлингизни жиловлаш мавсуми. Асоссиз яқинларимизни айблашдан тийилиш палласи.

Бирга яшаётганимиз номукаммал одамлар билан мулоқотга киришиш қобилиятимиз устида ишлашимиз лозим. Мукаммал инсонлар билан эса аҳмоқ ҳам чиқишиб яшаб кета олади. Қаерда нима дейишимиз, нимани билишимиз лозимлигини, шунингдек, билишимиз керак бўлмаган, кўз юмиб кетишимиз шарт бўлган ва гапиришимиз ўринсиз бўлган ерларни донолик билан аниқлаб олишимиз учун бизга берилган фурсатдир қиш. Ростгўйлик, содиқлик, севги ва Тангрига, яқинларига бўлган бебаҳо инсоний хислатлар ўзгаришсиз қолади. Қиш - эришганларимиз учун миннатдорчилик ёки омадсизлигимизни енгиб ўтганимиз учун шукроналик палласидир.

Қиш - аслида йилнинг ҳаракатсиз, фаолият олиб бориладиган фасли. Бундан фойдаланиб ўз устимизда ишлашга, кўпроқ китоблар ўқишга, ўзимизни бошқаришга ўрганишимиз керак. Катта умид ва ишонч билан руҳланган ҳолда улкан режаларни амалга оширишда ўзимизга куч топамиз.

Қиш мавсуми бошланиши билан берган ваъдаларингизни бажариш, қариндошлар

билан борди-келди қилиш имконияти туғилади. Бу кичикларни иззатлаш, катталарни ҳурматлаш вақтидир. Қишингиз эътиборсиз, яқинларингизнинг қўллаб-қувватлашисиз ўтиб кетмасин. Эвазига сиз ўзингизга бўлган ишонч ёрлиғи, мукофотга эга бўласиз, ўқитувчи ҳар доим берганидан кўра кўпроқ нарсага эга бўлгани каби. Қиш сизни аввало бошқаларга ғамхўрлик қиладиган, тушунадиган, меҳрибон ва оқкўнги ҳолда топсин. Албатта, қиш сизни изғиринли шамоллар эсганда ҳам, тез кунларда янги ҳаётга қайтадиган ерни қорлар қоплаганда ҳам кулиб турган ҳолда кўрсин.



**МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК –  
ҲАММАСИНИ БОШИДАН БОШЛАШ  
УЧУН ҚУЛАЙ ФУРСАТ**

Кимдир айтган экан: "Осон йўлни хоҳлама. Фақатгина тўсиқлар ва қарама-қаршилиқлар инсон характерида ҳамда муваффақиятга интилишини шакллантиради".

Мен билган ҳар бир ютуқ одамнинг омадсизлигидан кайфияти тушиб, дангасалик билан ағанаб ётишидан бошланган. Чунки ҳаётининг бу даврида шароитдан келиб чиқиб одамлар муваффақиятнинг асоси бўлган бор маҳорати, қобилияти, хоҳиш ва қатъиятини ишга солади. Ўзининг ҳозирги аҳволига жирканиш, нафратланиш кўзи билан қараб, ҳаётини ўзгартиришга аҳд қилган одам гўёки ҳаммага эшиттириб: "Омадсизлик ва камситишлардан тўйдим, уларга бошқа чидамоқчи эмасман!" деб бақиргандек бўлади. Шунда вақт, тақдир ва вазият бундай қарор олдида орқага чекинишади. Лекин аксар одамлар, афсуски, ўзгаришмайди. Улар шароитлари ўзгаришини кутиб, истаган нарсаларига эришолмаётганлари учун ўзга кишиларни, мавжуд муҳитни айблашади. Улар мағлубиятларида асосан ўзларининг қўллари борлигини тан олгилари келмайди.

Хил Дов. Улар навбун

Лекин... ҳаёт давом этади, гарчи сиз ҳозир мағлубият аламини тортиб ётган бўлсангиз ҳам. Олам эртага тонгда уйғониб, ҳеч нарса бўлмагандай ўз ишида давом этади. Сизнинг бу муваффақият ёки омадсизликдаги ролингиз вақтинчалиқдир. Бу ҳолатда ақлий, руҳий ва иқтисодий тарафдан силласи қуриб тамом бўлганларнинг барчаси ҳам бошидан бошлолмайди. Қайтадан ўзини ўнглаб оёққа турганлар ҳақида эса китоблар ёзиб, кўкларга кўтариб "Толеи баланд, бахти, омади юришган одам!" дейдилар. Ҳеч ким ўша бахтли одамнинг омадга эришиш йўлида чеккан заҳматлари, вақти келганда руҳий тушкунликка тушган кунлари ҳам бўлганини билмайди. Лонгфелло, Микеланжело, Линколн ҳам ўз фаолиятларини бошланғич нуқтадан бошлашган. Уолт Диснейни матбуотчилар иқтидорсиз деб таъкидлашган. Ричард Бирд энг зўр тадқиқотчи учувчи бўлгунига қадар икки маротаба самолётини чилпарчин қилган. Шунинг учун омадсизлигингиздан ҳам келажагингиз учун фойдаланиб, дарс олиб қолинг. Муваффақиятсизлигингиздан асло нолиманг.

Шу лаҳзадан бошлаб то умрингиз охиригача мукаммаллик сари интилишни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйинг. Сиз омадга, муваффақиятга эришиш йўлини танлаганингизни унутманг. Охир-оқибат, дунёга бир маротаба келиб, унда бир бор яшайсиз. Келинг, ўхшаши йўқ, мисли кўрилмаган бир иш қилайлик!

Хил Дов. Улар навбун



Мендан илгарилаб кетма. Мен сени  
етакламаслигим ҳам мумкин.

Мен сенинг орқангдан бормаслигим  
мумкин. Лекин мен билан бирга юр.

Мендан орқада қолма. Ва менинг дўстим  
бўл!

## Жми Рон УМР МАВСУМИ

### МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Умр фасллари .....	8
Ҳаёт шароитларига атроф-муҳитнинг таъсири .....	10
Ҳаётда ўз фикрига эга бўлишнинг аҳамияти .....	24
Баҳор .....	34
Ёз .....	46
Куз .....	54
Қиш .....	60
Мағлубият - ҳаммасини бошидан бошлаш учун қулай фурсат .....	68



УМР  
МАВСУМИ

Жим Рон



Ҳаётимиз давомида танлашимиз лозим бўлган жуда кўп тўғри ва нотўғри йўлларга дуч келамиз. Бунда атрофимиздаги одамларнинг тутган йўли, фикрларига эътибор қиламиз, суянамиз. Натижада эса муваффақиятга эришиш йўлида биздан анча олдинлаб кетганларга, ишида яхшигина самарага эга бўлганларга, ҳаётда бахт-саодатга эришганларга, толеи кулганларга эргашамиз.

Ҳар биримизнинг атрофимизни маълум бир фикр, одат, таомил, фалсафий қарашларга эга бўлган инсонлар жамоаси ўраб туради.

Агар ҳаётимизни ҳақиқатда яхши томонга ўзгартирмоқчи бўлсак, уларга бўлган муносабатимизни доимо яхшилигича сақлаб қолиш мумкин эмас.



ISBN 978-9943-987-47-0



9 789943 987470

@Elektron\_kitobla